

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА УЧРАЙДИГАН ЮРИДИК
АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Тошкент – 2016

Т а қ р и з ч и л а р:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари,
юридик фанлар номзоди **М. Ш. Юлдашев;**
юридик фанлар номзоди, доцент **Н. П. Азизов**

Т у з у в ч и л а р:

юридик фанлар номзоди, доцент **А. А. Отажонов,** юридик фанлар
доктори, профессор **И. Исмаилов,** юридик фанлар номзоди, доцент
Б. Э. Закиров, юридик фанлар номзоди, доцент **И. А. Соттиев,** юридик
фанлар номзоди, доцент **Б. А. Саидов,** юридик фанлар номзоди, доцент
С. М. Селиманова, юридик фанлар номзоди **Ж. С. Мухторов,** юридик
фанлар номзоди **У. А. Қодиров, Ш. Х. Хасанов, Д. Ю. Пайзиев,**
А. Т. Ниёзов, А. П. Тураев.

И – 94 **Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида учрайдиган
юридик атамаларнинг изоҳли луғати / А. А. Отажонов, И. Исмаилов,
Б. Э. Закиров ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
2016. – 88 б.**

Мазкур изоҳли луғатда ички ишлар органлари ходимларининг кундалик
фаолиятида учрайдиган юридик атамалар, уларнинг этимологик келиб чиқиши ҳамда
изоҳлари батафсил ёритилган.

Изоҳли луғат ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланувчи субъект-
лар, ҳуқуқшунослар, мазкур йўналишда илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчи-
лар ҳамда тингловчи-курсантларга мўлжалланган.

ББК 67.99(5У)116.31я2

СЎЗ БОШИ

Маълумки, жамиятда қонунийлик барча фуқаролар ва давлат органларининг қонунларга тўлиқ риоя қилишлари, улардан тўғри фойдаланишлари билан ўрнатилади. Ҳуқуқий тартибот эса қонунларга риоя этиш орқали амалга оширилади.

Қонунийлик ва интизом бир-бири билан узвий боғлиқ. Қонунийлик давлат интизомининг асосини ташкил этади, давлат интизومي эса қонунийликни мустаҳкамлашни талаб қилади. Уни мустаҳкамлашда давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш баробарида уларнинг тўғри ижро этилишини таъминлайдилар ва шу орқали мамлакатда интизом ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлайдилар.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат куриш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни амалга ошириш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бир қисми ҳисобланган ички ишлар органлари муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, жамиятнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам мазкур ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга ошириб келинаётгани бунинг яққол мисолидир.

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари ходимлари олдига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган мазкур изоҳли луғат нафақат ички ишлар органлари ходимлари, балки барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Изоҳли луғатда ички ишлар органлари ходимларининг кундалик фаолиятида учрайдиган юридик атамаларнинг тушунчаси, уларнинг этимологияси, луғавий маъноси ҳамда мазмунини батафсил очиб беришга ҳаракат қилинган.

Аборт (лот. abortus – бола олдириш, бола ташлаш) – сунъий равишда ҳомилани тўхтатиш. Ҳомила тушириш қонуний (ҳуқуқий) ва ноқонуний кўринишларда амалга оширилади. Абортнинг шифокор акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёхуд тиббиёт нуқтаи назаридан мумкин бўлмаган шароитларда, шунингдек сунъий равишда аборт қилишга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан амалга оширилиши ноқонуний бўлиб, жиноий жазога лойиқ ҳисобланади. Жиноий равишда ҳомилани тушириш (аборт) учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 114-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Абrogация (инг. abrogation) – эскирган, зарурати бўлмаган қонунни бекор қилиш. Абrogация асосан икки хил сабабларга кўра юз беради: 1) агар қонун амалда ишламаса; 2) қонун замон талабларига жавоб бермаса. Аксарият ҳолларда абrogация ҳодисасида эскирган қонун янгиси билан алмаштирилади. Ҳуқуқшуносликда эскирган қонун қисман бекор қилиниш ҳоллари дерогация, қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши эса субrogация иборалари билан юритилади.

Абсентеизм (лот. absens – қатнашмаслик, бош тортиш, келмаган) – сайловчиларнинг сайлов ёки референдумда овоз беришда ихтиёрий иштирок этмасликлари. Абсентеизмнинг моҳияти шундаки, унга кўра сайловчилар вакиллик органи ёки мансабдор шахсларни сайлашда ихтиёрий қатнашмайди. Аҳоли ўзининг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишга бефарқ қарайди.

Агентлик (лот. agens, agentis – ҳаракатдаги) – бирор-бир муассасанинг маҳаллий бўлими, шунингдек айрим ахборот, воситачилик ва шу каби муассасаларнинг номи (масалан, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон «Ўзкоммунизмат» агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва ҳ.к.)

Агрессия (лот. agressio – ҳужум қилиш) – тажовуз, бир давлат (давлатлар гуруҳи) томонидан бошқа давлатнинг ёки халқнинг (миллатнинг) суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 йил 14 декабрда қабул қилган «Агрессия тушунчаси» тўғрисидаги резолюциясининг 3-моддасида назарда тутилган ҳамда ғайриқонуний бўлган ҳар қандай куч ишлатиш. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

151-моддасида агрессия (босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш, босқинчилик урушини бошлаш ва уни олиб бориш) жинояти учун жавобгарлик белгиланган.

Адвокат (лот. advocatus – юридик консультант) – юридик ва жисмоний шахсларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи юрист. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги 349-1-сонли қонунга мувофиқ, адвокат жинойи ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи сифатида иштирок этади. Адвокат гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилинишини амалга оширади ҳамда уларга юридик ёрдам кўрсатади.

Адлия (араб. адл – адолат, тўғрилиқ, ҳаққонийлик, одил судлов, холислиқ) – судлов муассасалари, суд ташкилотлари ва улар фаолиятини англатадиган тушунча. Адлия кенг маънода ҳуқуқ демакдир. Ўзбекистон Республикасида адлия органлари фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикасида адлия органлари бошқарув органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи орган ҳамдир.

Айб – шахснинг ўз қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) ва унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабати. Муайян жавобгарлик назарда тутилган қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс ҳуқуқбузарлик содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин.

Айбланувчи – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахс.

Айбсизлик презумпцияси – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг айби қонунда белгиланган тартибда исбот қилинмагунча уни айбсиз деб фараз қилиш. Жиноят процессининг ҳамда одил судловнинг муҳим ва асосий демократик тамойилларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига биноан, «жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби исботланмагунча у айбдор ҳисобланмайди».

Акт – далолатнома, ҳуқуқий ҳужжат (қонун ҳужжати, норматив юридик ҳужжат, ҳуқуқий ҳужжат) ёки тегишли органлар ёхуд мансабдор шахсларнинг ҳаракати. Шахснинг оилавий муносабатлар соҳаси-

даги муайян ҳолатини акс эттирувчи ҳужжат фуқаролик ҳолати далолатномаси деб аталади. Фуқаролик ҳолати далолатномалари – фуқаролар ҳаётидаги туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш каби воқеа-ҳодисаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланишидир (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 201-моддаси).

Алиби (лот. *alibi* – муайян жойда бўлмаганлик) – жиноят содир бўлган вақтда шахснинг у ерда бўлмаганлигини исботловчи далил. А. бошқа далиллар ва тахминлар каби албатта текширилиши шарт.

Алимент (лот. *alimentum* – озиқ-овқат, нафақа, таъминот, боқиш учун маблағлар) – қонун бўйича бир шахс томонидан иккинчи шахсга мажбуран тўланадиган моддий маблағ. Алимент бўйича асосий мажбуриятлар – никоҳ, қариндошлик, ота-она, асраб олиш каби оилавий муносабатлар ҳисобланади. Алимент олиш ҳуқуқига балоғатга етмаган болалар, меҳнатга лаёқатсиз балоғат ёшидаги болалар, айрим ҳолларда меҳнат қила олмайдиган кексалар ҳақлидирлар. Алимент борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси (1998 йил 30 апрель) ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб, қоидалар асосида амалга оширилади.

Алкоголь маҳсулоти – коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси – алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ фуқаролар, аввало, ёшлар соғлиғига, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига таҳдидларнинг ҳамда бошқа таҳдидларнинг олдини олишга ва уларни камайтиришга қаратилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуи.

Алкоголга қарамлик – алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкогольдан сурункали захарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб боровчи касаллик (сурункали алкоголизм).

Амнистия – (юнон. *amnestia* – кечириш, гуноҳидан ўтиш) – олий давлат ҳокимияти органининг хусусий акти, айрим шахсларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор қилиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қарор.

Амнистия акти маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган муайян тоифа шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатиладиган инсонпарварлик ифодаси бўлиб, бундан кўзланган мақсад мазкур шахсларга нисбатан маъмурий ёки жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлламаган ҳолда уларнинг ахлоқан тузалиши учун имконият бериш ёхуд бундай чоралар қўлланилган шахслар ҳолатини енгиллаштириш ҳисобланади.

Аналогия (юнон. analogia – мувофиқлик, айнанлик, ўхшашлик) – бирор ҳаракат қонунда бевосита кўрсатилмаган ҳолда шунга ўхшаш ҳодисани кўзда тутадиган ҳуқуқий нормани мазкур ҳаракатга татбиқ этиш.

Апелляция (лот. appellatio – мурожаат) – ҳали қонуний кучга кирмаган суд ҳукмлари ва қарорлари устидан шикоят бериш. Апелляция суди ишдаги мавжуд исботларни текшириб, янги исботларни кўриб чиқади, ҳукмни тасдиқлайди ёки янги ҳукм чиқаради.

Асосий қонун – давлат Конституциясининг муқобил варианты. Асосий қонун билан конституция, умумий қоидага кўра, муштарак тушунчалардир. Бу тушунчалар аниқ ҳужжатнинг номида ифодаланади. Масалан, ГФРда федерал Конституция – Асосий қонун, Федерациянинг бўлаклари – ерларнинг энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлари эса Конституция деб номланади.

Афв этиш – жазодан озод қилиш тури. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, афв этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатига киради. Афв этиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 76-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра, маълум бир шахсга содир этган жинояти учун тайинланган жазони қисман ўзгартириш, бошқа жазо билан алмаштириш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин. Афв этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган ҳужжат (фармон) асосида амалга оширилади.

Аффект (лот. affektus – руҳий ҳаяжон, эҳтирос) – турли ташқи ёки ички таъсирлар асосида тез пайдо бўлиб, қисқа муддатли, аксарият ҳолатларда «портлаш» тарзида бўладиган кучли кўринишда ифодаланадиган ҳиссий ҳолат (кўрқинч, даҳшат, ғазаб ва б.). Аффект ҳолатида кишининг онг доираси тораяди, ўзини назорат қилиш қобилияти йўқолади. Аффект физиологик ва патологик бўлиши мумкин. Физиологик аффектда киши ўз хатти-ҳаракатини идора қила олиши, кейинчалик барча воқеаларни хотирасида сақлаб қолиши мумкин. Патологик аффект кўпроқ руҳий касалларда, баъзан эса руҳий соғлом

одамларда ҳам кузатилади. Патологик аффектда барча хатти-ҳаракатлар киши хотирасида сақланмайди, шахснинг хатти-ҳаракатлари онгли равишда назорат қилинмайди. Тўсатдан пайдо бўладиган кучли руҳий ҳаяжонланиш – физиологик аффект (карахтлик) бўлиб, субъект онгида кескин ўзгарувчан бўлгани сабабли жавобгарликни тўла истисно қилмайди.

Ахборот – умумий маънода, одамлар ўз фаолиятини ташкил қилиш учун идрок этадиган, қайта ишлайдиган ва фойдаланадиган янги маълумотларга эга хабарлар. Кибернетикада ва ижтимоий бошқарув фанида «ахборот» тушунчаси иккита омил билан чамбарчас боғланади. Биринчидан, муайян тизимнинг мавжудлиги ва унда юз берувчи бошқарув жараёнлари; иккинчидан, ҳар қандай тизим муайян вазифаларни ҳал қилиш воситаси бўлганлиги сабабли, ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун фойдали бўлган маълумотларгина ахборот ҳисобланади.

Ашёвий далиллар – жиноят ёки жиноятчи шахслардан қоладиган моддий излар. Жиноят содир этилишида ишлатиладиган қуроллар ёки тажовуз натижасида вужудга келган моддий ўзгаришлар ва уларнинг содир этилганини билдирувчи излар ҳам ашёвий далил ҳисобланади. Ашёвий далилнинг далиллик хусусиятини сақлаб қолиш жуда муҳим. Бу мақсадга эришиш учун, аввало, жиноят-процессуал қонун талабларига асосланиш ва ашёвий далиллар билан ишлашда қўлланиладиган криминалистик тавсияларга амал қилиш керак.

Ақли норасолик – шахснинг руҳий ҳолати. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолатининг вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс ақли норасо деб топилади. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ва суд томонидан ақли норасо деб топилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Ақли расолик – шахснинг руҳий ҳолати. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади. Ақли расолик ақлий (интеллектуал) ва иродавий белгилар асосида аниқланади.

Баллистик экспертиза – қонунда белгиланган процессуал шаклда тегишли эксперт хулосасини расмийлаштириш билан тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси жараёнида ўқотар қурол, ўқ-дорилар ва уларнинг ишлатиш излари ҳақида илмий асосланган маълумотларни олиш мақсадида ўтказиладиган махсус экспертиза тадқиқоти.

Баллистик экспертиза объектлари – турли хил буюмлар, моддалар, жароҳат ва шикастланишлар ҳамда моддий қайд этилувчи акслар ёки тасвирлар. Баллистик экспертиза объектларининг доираси анча кенг, унинг чегаралари ўзгарувчан ва доимий равишда ўсиб бориш хусусиятига эга.

Банк (лот. banca – алмаштириш жойи) – тижорат ташкилоти. Банк қуйидаги фаолият турларини амалга оширадиган юридик шахс:

1) **банк кредити** ссуда жамғармаси ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ишлаб чиқариш жараёнида қўшилган қиймат ҳисобидан банк кредити нафақат қопланади, балки кредитдан фойдаланганлик учун мукофот ҳам тўланади. Ҳуқуқий маънода банк кредит муносабатларида бир томондан банк – кредитор сифатида, иккинчи томондан юридик ва жисмоний шахслар – қарз олувчи сифатида иштирок этади.

2) **банк лицензияси** – банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат. Банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар. Рўйхатга олиш тартиби ва шартлари Марказий банк томонидан белгиланади. Рўйхатга олиш билан бир вақтда банкларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия топширилади. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш ҳақ эвазига амалга оширилади. Банкларнинг филиаллари Марказий банкда рўйхатга олинади ва ўз фаолиятларини уларни ташкил этган банкка берилган лицензия асосида амалга оширадилар.

Безорилик (жиноят) – жамоат тартибига қарши қаратилган ҳуқуқбузарлик (жиноят). Безорилик жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси).

Битим – юридик омилларнинг энг кенг тарқалган тури, фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхта-тишга йўналтирилган юридик ёхуд жисмоний шахслар ҳаракати.

Битим кўпинча шартнома тарзида, яъни икки ва ундан ортиқ томоннинг келишуви орқали амалга оширилади. Бир томонлама битим ҳам учрайди, шартнома тавсифида бўлмайди, фақат бир шахсининг иродасини (далолатнома, васиятнома ва б.)ни ифодалайди. Битим субъектлари ўз иродаларини эркин намоёиш этиш асосида ҳаракат қилувчи фуқаро (жисмоний шахс), шунингдек, корхона, муассаса, ташкилот (юримдик шахс) ўз фаолияти мақсадларига мувофиқ уставлар асосида бўлиши мумкин. Битимни ҳуқуқий юримдик ҳаракат сифатида ҳуқуқбузарлик ва юримдик хатти-ҳаракатдан фарқлаш лозим. Томонларнинг хоҳишидан қатъи назар, юримдик оқибат юзага келадиган (ҳазина топиб олиш, моддий зарар етказиш) ҳолатлари бундан истисно. Битимни ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган ҳақиқий деб тан олиш учун қуйидаги шартларга амал қилиш талаб этилади: а) томонларнинг онгли ва эркин ихтиёрлари мавжудлиги; б) моҳиятнинг қонунийлиги; в) битимни тегишли расмийлаштириш бўйича қонун кўрсатмаларини бажариш. Қонунда битим иштирокчиларининг ўз иродаларини намоён этиш усуллари қуйидагича белгиланган: оғзаки, ёзма ва нотариал. Сукут ҳам битимни амалга оширишда шахс иродасининг ифодаси бўлиши мумкин. Ўз мазмунига ва тузиш тартибига кўра битим қуйидагиларга ажралади: эвазли (олувчи томоннинг берувчи томонни қаноатлантириши), эвазсиз (совға қилиш), тайин (битимни содир бўлган деб тан олиш учун шартнома ва уни амалга ошириш бўйича хатти-ҳаракат талаб қилинади) ва консенсуал (келишув – олди-сотди шартномаси етарли ҳисобланади).

Боланинг қонуний вакиллари – ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар.

Буйруқ – 1) давлат идоралари, муассасалари томонидан чиқарилган ёзма ҳужжат; 2) ҳарбий хизматда бошлиқлар томонидан бериладиган кўрсатма.

Бюджет (инг. budget – ҳамён, маблағ) – давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун мўлжалланган пул маблағлари жамғармаларини тўплаш ва сарфлаш шакли.

– В –

Вазир (инг. minister, фр. ministre) – юқори мансабдор шахс. Вазир ҳуқумат аъзоси ҳамда маълум бир вазирликни бошқарувчи юқори мансабдор шахс ҳисобланади.

Вазирлик – давлатнинг марказий идора органи, социал-маданий қурилиш ва маъмурий-сиёсий фаолиятнинг айрим тармоқларини бошқаради. Янги вазирликлар тузиш, мавжудларини тугатиш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш Ўзбекистонда Президент ваколатига киради ва давлатнинг олий вакиллик органи – Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Ваколат¹ – (араб. вакиллик, ҳуқуқдорлик) бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ, вакиллик ҳуқуқи; ваколатли – ваколоти бор, вакиллик ҳуқуқига эга бўлган.

Ваколат² (лот. *competentio, competo* – эришман, лойиқман, мувофиқ келман) – маълум давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи идора қилиш органи) ёки мансабдор шахснинг давлат органлари тизимида туган ўрнини белгилаб берувчи юридик ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси.

Валюта (итал. *valuta* – қиймат, танга, лот. *valere* – кучли бўлиш, имкониятга эга бўлиш) – халқаро пул ҳисоб-китобларига жалб қилинувчи, ташқи иқтисодий ва халқаро алоқаларда иштирок этувчи мамлакатнинг пул бирлиги.

«Валюта» тушунчаси икки маънода ишлатилади: биринчидан, валюта давлатнинг пул бирлиги ҳисобланади; иккинчидан, валюта хориж давлатларининг пул бирлиги, шунингдек халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ва хориж пул бирлигида ифодаланган кредит ва тўлов ҳужжатлари ҳисобланади. Молияда, шунингдек молия ҳуқуқида «валюта» тушунчаси кўпинча иккинчи (хориж давлатларининг пул бирлиги) маъносидан ишлатилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда валютани ички ва ташқи валютага бўлиш мумкин. Ички ва ташқи валюта ўртасидаги фарқни очиб бериш учун: а) битта давлат ҳудудида фойдаланиладиган ва конвертация қилинмайдиган валюта; б) хориж валютасига алмаштириладиган ва халқаро бозорда тўлов воситаси ҳисобланадиган конвертация қилинадиган валюта; в) ташқи валюта операцияларида ва баъзи бир субъектлар ўртасида қисман фойдаланиладиган валюта қўлланилади.

Валюта қимматликлари – чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин. Чет эл валютаси муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари,

шунингдек ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул birlikларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб birlikларидаги маблағлардир. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатларидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир. Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини валютани назорат қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда назорат қиладилар.

Валюта операциялари – валюта билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши. Валюта операцияларини амалга оширишга доир чекловлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида белгиланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иқтисодий хавфсизликка таҳдид юзага келганда валюта операцияларини амалга оширишни вақтинча тўхтатиб қўйишга ёки уларга доир чекловлар жорий этишга ҳақли.

Васийлик – ўн тўрт ёшга тўлмаган етим ҳамда ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли.

Вексель (нем. *wechsel* – қимматли қоғоз) – ёзма ҳужжат. Вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлаш юзасидан қатъӣ мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

Векселлар оддий ва юбориладиган векселларга бўлинади. Вексель берувчининг муайян суммадаги пулни вексель олувчига ёхуд унинг буйруғига биноан белгиланган муддатда тўлашдан иборат қатъӣ мажбуриятини ўз ичига олган ҳужжат оддий вексель ҳисобланади. Бунда тўловчи вексель бўйича белгиланган муддатда тўловларни амалга оширишга розилигини ёзма равишда тасдиқлаши шарт.

Векселларни чиқариш, рўйхатдан ўтказиш қоидалари, уларни чиқариш ва муомалада юритиш шартларини Марказий банк Молия вазирлиги билан биргаликда белгилайди.

Вердикт (лот. *vere diktum* – ҳақ гап айтиш) – айрим хорижий мамлакатларда қасамёд этган маслаҳатчиларнинг судланувчи айбдор ёки айбдор эмаслиги, шунингдек, айбдор бўлса, унга шафқат қилиш ёки қилмаслик тўғрисидаги ҳулосаси.

Виза (лот. *viso* – келиш, кетиш) – турли давлат фуқароларининг бошқа бирор-бир давлатга кириши, ундан чиқиши, қисқа муддат яшаши ёки давлат ҳудудидан ўтиши учун ҳукумат масъул органлари томонидан фуқаро паспортига қўйиладиган махсус расмий рухсат белгиси.

Вотум (лот. *votum* – хоҳиш, ирода) – сайлов ёки вакиллик муассасида кўпчилик овоз билан ифодаланган ёки қабул қилинган фикр ёки қарор. Ишончсизлик вотуми – парламент амалиётида қоида тариқасида ҳукумат ёки айрим вазирнинг сиёсий йўли, муайян тадбири ёки қонун лойиҳасининг қуйи палата томонидан номаъқул деб топилиши. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан **ишончсизлик вотуми** билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чоратadbирлар тизими.

– Г –

Газ қуроллари – химояланишга мўлжалланган, одамга ҳужум қилаётган шахсга яқин масофада, таркибига қичитадиган (кўзни қичитадиган, томоқ-бурун соҳасини куйдирадиган, нафас олишни

қийинлаштирадиган, баъзида ҳушдан кетказадиган) таъсир кўрсатувчи аэрозол ёки газ тутунли булут ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган қурол. Бу каби моддалар ирритантлар деб аталади. Газ қуролларига тирик нишонларни кўзни ёшлантирувчи ёки қичитадиган моддаларни қўллаб шикастлашни мўлжалланган қуроллар киради. Газ қуроллари фақат ҳимояланишга мўлжалланган бўлишига қарамасдан, уларни ишлатишни тақиқловчи минимал масофа мавжуд, бу масофа 0,5 метрдан иборат. Бундан яқинроқ масофаларда стволдан учиб чиқаётган қизиган порох зарралари зарб тўлқини билан бирга терини куйдириши ва унчалик катта бўлмаган жароҳатларни келтириб чиқариши мумкин. Газ қуроллари газ тўппонча ва газ револьверларига бўлинади.

Газ қуролларининг патронлари – тузилиши жиҳатдан отиш учун мўлжалланган ва таркибида кўзни ёшлантирувчи ҳамда қичитадиган таъсирли моддалар мавжуд патронлар. Бу патронлар унитар (оддий) патронларга ўхшаш қилиб тайёрланади, яъни порох заряди, ирритант ва ёндирувчи капсул гильзага жойлаштирилади. Газ қуролларининг патронлари икки гуруҳга бўлинади: 1) махсус газ қуролларига мўлжалланган патронлар; 2) ҳимояланиш учун мўлжалланган фуқаролик газ қуроллари (тўппонча револьверлар)нинг патронлари. Газ тўппонча ва револьверларида мўлжалланган мақсади турлича бўлган патронлар ишлатилади: биринчиси, қичитадиган таъсир кўрсатадиган моддали кимёвий (газ) патронлар; иккинчиси, товушли (овозли сигнал бериш учун) патронлар; учинчиси, сигналли (ёритувчи) патронлар; тўртинчиси, сочма ўқли патронлар.

Гаров – бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши. Фуқаролик кодексининг 265-моддасига асосан гаровнинг қуйидаги турлари мавжуд: а) закат – бунда гаров нарсаси (предмети) гаровга олувчида сақланади; б) ипотека – бунда кўчмас мол-мулк гаровга олинади; в) мулкӣ ҳуқуқлар гаровга олинади.

Гаров эҳтиёт чораси – қисқача айтганда кафолат бўлиб, гумон қилинувчи, айбланувчи (судланувчи)нинг тергов ва суддан яширинмаслиги, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги, жиноий фаолият билан шуғулланмаслиги, чақирувга биноан етиб келишини, шунингдек, очикда қолдирилишини таъминлаш мақсадида, шахслар, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи (судланувчи)нинг ўзи, яқин қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки нодавлат юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суднинг банкдаги

депозит ҳисобига пул, валюта ва бошқа қимматбаҳо буюмларнинг топширилиши.

Геноцид (юнон. *genos* – уруғ, қабила ва лот. *caedo* – ўлдираман) – халқаро жиноятларнинг бир тури: ирқи, миллати, дини, этник таркибига кўра, аҳоли гуруҳларини тўла ёки қисман жисмонан қириб юборишга қаратилган ҳаракат. БМТ Бош Ассамблеясининг Геноцид жиноятларининг олдини олиш ва уларни амалга оширганлиги учун жазолаш тўғрисидаги конвенциясига (1948) кўра, геноцид қаттиқ қораланади, айбдор шахсларга нисбатан халқаро жиной жавобгарлик белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 153-моддасида геноцид жинояти учун жавобгарлик белгиланган.

Гиёҳвандлик воситалари – «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги БМТнинг 1961 йилги Ягона Конвенциясининг I ва II рўйхатларига киритилган («1961 йилги «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги Ягона Конвенцияга тузатишлар ҳақида»ги 1972 йилги Протоколга асосан киритилган тузатишлар билан бирга) табиий ёки сунъий тайёрланган ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари. Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари – гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар (Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуни, 3-модда).

Гомосексуализм (юнон. *homos* – тенг, бир хил, уйғун, умумий ва лот. *sexsus* – жинс) – жинсий майл айнишининг бир тури, ўз жинсидаги кишилар билан жинсий алоқа қилиш. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам учрайди. Эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириши – бесоқолбозлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 120-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Гриф (инг. *stamp, signature*; фран. *griffe*) – 1) имзо ёки бирор-бир бошқа матн нусхаси туширилган муҳр, штемпель, шунингдек, ана шундай муҳр ёки штемпелнинг ҳужжатдаги изи; 2) ҳужжат ёки нашр этилган нарса устидаги ундан фойдаланишнинг махсус тартибини белгиловчи ёзув. Масалан, «хизматда фойдаланиш учун» грифи.

Гувоҳ – муайян жиноят, фуқаролик, хўжалик ёки маъмурий иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида маълумотга эга бўлган ва гувоҳлик бериш учун суд ёхуд тергов органларига чақирилган шахс. Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 114–121-моддаларида белгиланган.

Гувоҳнома – 1) тақдим этувчининг шахси ҳақида гувоҳлик берувчи расмий ҳужжат; 2) муайян фактларни (масалан, хизмат сафарида бўлганликни) ёки ҳуқуқни (масалан, овоз бериш ҳуқуқини) тасдиқловчи ҳужжат. Гувоҳнома белгиланган намунадаги бланкларда расмийлаштирилади, ваколатли мансабдор шахслар томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Баъзи бир гувоҳномаларда эгасининг фотосурати бўлиши шарт.

Гумон қилинувчи – жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахс.

– Д –

Давлат – жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб турувчи, аҳолини муайян ҳудудда бирлаштириб, унга ҳукмронлик таъсирини ўтказувчи, ҳамма учун мажбурий бўлган ҳуқуқ нормаларини ўрнатувчи, жамият миқёсида сиёсий раҳбарликни амалга оширувчи, қатъий суверенитет ва мажбурлов аппаратига эга бўлган сиёсий ташкилот.

Давлат аппарати (инг. *mashinery of government*) – давлат органлари тизими. Улар орқали давлат ҳокимияти ва унинг функциялари амалга оширилади. Давлат аппарати давлат механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. Давлат аппаратининг фаолият мазмуни, унинг фаолиятини ташкил этишнинг принциплари, ходимлар таркиби, иш юритиш шакли ва услублари давлатнинг тегишли функцияларини маромида амалга ошириш эҳтиёжлари билан белгиланади.

Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси. Унда даромадлар манбалари ва тушумлар миқдори, шунингдек, молия й. мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Давлат бюджети: республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Давлат назорати – давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг давлат органлари чиқарадиган қонунларга ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини таъминлайдиган шаклларидан бири. Анъанага кўра, назорат функциялари асосан парламентларга тегишли бўлган, бироқ сўнгги ўн йил ичида кўплаб мамлакатларда парламентга

қарашли бўлмаган, аммо парламент номидан иш кўрувчи назорат инстанциялари (масалан, омбудсманлар, ҳисоб-китоб палаталари институтлари) кенг тарқалди, маъмурий адлия органларининг сони ва аҳамияти ортди. Барча давлатларда молия вазирликлари кенг назорат ҳуқуқларига эга. Ҳозирги вақтда ҳар бир мамлакатда ўзининг давлат назорати шаклланган. Масалан, АҚШда давлат назоратини Президентнинг ижро этувчи аппарати, АҚШ Конгрессининг кўмиталари ва комиссиялари амалга оширади; конституциявий назорат АҚШ Олий судининг зиммасига юклатилган, молиявий назоратнинг махсус органи сифатида Назоратчи раҳбарлигидаги Ҳисобот бош бошқармаси фаолият кўрсатади, махсус идоралараро назорат функцияси кўплаб тармоқ идораларига, жумладан Марказий разведка бошқармаси (МРБ), Тергов қилиш федерал бюроси (ТҚФБ), Мудофаа вазирлиги ва бошқаларга юклатилган.

Давлат органи – давлат ўз вазифаларини амалга ошириш ваколатини берган фуқаро ёки фуқаролар жамоаси. Давлат органига давлат-ҳокимият ваколатлари берилади, у белгиланган тартибда тузилади ва фаолият кўрсатади, давлат органларининг ягона тизимида ўз ўрнини эгаллайди.

Давлат суд эксперти – давлат суд-экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти;

Давлат хизмати – ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат. Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин;

Дактилоскопия (юнон. *daktilos* – бармоқ ва *skopeo* – бармоқ) – криминалистика соҳасида одамнинг қўл тери қатламидаги папилляр чизиқлар нақшлари орқали жиноятчилар шахсини аниқлаш, рўйхатга (ҳисобга) олиш ва қидириш мақсадида ўрганиладиган фан. Дактилоскопик тадқиқотлар тергов жараёнида кўп ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради. Бу ҳолатларга қуйидагилар киради: 1) жиноят содир этилган жойида топилган папилляр нақш изи ёрдамида гумонланувчилар ичидан жиноятчини аниқлаш; 2) бошқа жиноятлар содир этганлиги учун ушланган гумондорлар орасидан қўлнинг папилляр нақшлари орқали очилмаган жиноят бўйича жиноятчи шахсини аниқлаш; 3) тергов қилинаётган жиноят бўйича жиноятчи шахсини аниқлашда

дактокартотека материалларидан фойдаланиш; 4) ҳар хил жиноятлар бир шахс томонидан содир этилганлигини қўл изларининг тадқиқоти орқали асослаб бериш; 5) ҳодиса содир бўлган жойдаги папилляр нақшлар изларининг вужудга келиш механизмини аниқлаш.

Далил – ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган ёки бермаганлигини, ана шу қилмишни содир этган шахснинг айбдор ёки айбсизлигини ҳамда ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчи, терговчи ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай асосли маълумотлар. Бу маълумотлар гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатмалари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ҳамда бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

Далиллар – тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар. Бу маълумотлар қуйидаги воситалар, яъни: тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосаси билан аниқланади. Муаллифи кўрсатилмаган хатлар ва манбаи номаълум бўлган ёки ғайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотлар далил бўла олмайди (ФПКнинг 56-м).

Далолатчи (жиноят) – жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 28-моддаси, 4-қисми). Далолатчилик бошқа шахсни жиноят содир этиш ёки жиноий фаолиятда иштирок этишга ундаш ҳаракатларда ифодаланади.

Дам олиш вақти – ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёри билан фойдаланиши мумкин бўлган вақт.

Дастлабки тергов – жиноят иши кўзғатилганидан кейин то уни судда кўриш учун тайинлашгача бўладиган жиноят процессининг босқичи. Ўзбекистон Республикаси ЖПКга мувофиқ дастлабки терговни ички ишлар, прокуратура органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари ҳамда прокурорлар олиб бориш ваколатига эга. Дастлабки тергов босқичда терговчи жиноятларни очади, айбдорни фош этади, ишнинг қонуний ҳал қилиниши учун зарур бўлган барча ҳолатларни аниқлайди, содир этилган жиноят учун жазонинг муқар-

парлигини таъминлаш чораларини кўради. Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун суриштирув органлари терговчиларга кўмаклашади.

Даъво муддати – шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддат.

Даъвогар – ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган шахс.

Дезертирлик (лот. desertio – ёрдамсиз қолдириш, қочиш, инг. desertion) – ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек шу мақсадда бошқа хизмат жойига ўтказилганда, хизмат сафаридан, таътилдан ёки даволаш муассасасидан хизмат жойига етиб келмаслик. Айбдорнинг ҳарбий қисм ёки хизмат жойида ноқонуний бўлмаганлигининг давомийлиги қилмишни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди. Дезертирлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 288-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Депутат (лот. deputatus – вакил) – қонунчилик ёки давлатнинг бошқа вакиллик органига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига сайланган шахс, аҳолини маълум қисми – ўз сайлов органи сайловчиларнинг ёки бутун халқнинг вакили. Депутат тегишли вакиллик органида профессионал асосда, яъни асосий фаолиятини тўхтатмай ишлайди.

Дипломатик ваколатхона ходимлари – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан шундай мақомга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат берилган ваколатхона бошлиғи ва ваколатхона аъзолари.

Дипломатик корпус – кенг маънода ушбу давлатдаги чет эл дипломатик ваколатхонаси дипломатик ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари йиғиндиси. Дипломати корпус ташкилот ҳисобланмайди.

Дискриминация (лот. discriminatio – чеклаш, камситиш) – одатда давлатнинг, юридик ёки жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари бошқа давлатлар, юридик ёки жисмоний шахсларга нисбатан камситилишини англатадиган умумҳуқуқий атама. Демократик давлатларнинг ички қонунларида ҳамда халқаро ҳуқуқда дискриминациянинг барча шакллари тақиқланади.

Доимий элементлар – бир марта вужудга келиб ёки пайдо бўлиб, одам ҳаётининг охиригача сақланиб қоладиган элементлар

(агар жарроҳлик аралашувчи ёрдамида ёки бирорта жароҳат олиш натижасида олиб ташланмаган бўлса).

Дотация (лот. dotatio – ҳадя, хайр-эҳсон) – бюджет тизими томонидан ташкилотларга уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Дубликат (лот. duplicatio – иккига бўлиниш) – бирон бир ёзма ҳужжатнинг иккинчи ёки кейинги нусхаси, копиядан фарқли ўлароқ, асл ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга. Асл ҳужжатни битим томонларидан биригина олиши мумкин бўлган ҳоллардагина тайёрланади. Муайян шароитларда дубликат асл ҳужжат йўқолганда ҳам берилади.

- Е -

Егеръ (нем. jager – овчи) – Ўзбекистоннинг овчилик хўжаликларидagi мансабдор шахс; хаваскор овчиларга хизмат кўрсатадиган мутахассис овчи. Егеръ табиатдан фойдаланиш қоидалари ва овчилик тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилади.

Ер кадастри – ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги тизимлаштирилган аниқ маълумотлар тўплами. Ер кадастри маълумотлари ер эгаларини солиққа тортишда, ерга тегишли битимларни рўйхатга олиш, ерни гаровга олиш ва бошқаларда фойдаланилади. Ер кадастрида ер эгасининг номи кўрсатилади, умумий ер майдони тасвири, ер майдонларининг жойлашган манзили, уларнинг шакли, мулк таркиби, сифати, даромадлилиги, ернинг баҳоси кўрсатилади. Ер кадастрини тузишда мамлакатнинг турли туманларида ернинг типик участкалари жойлашган манзили, тупроқнинг сифати, яқин жойларда ривожланган инфраструктураларни борлигига қараб гуруҳланади. Ҳар бир типик участкалар учун майдон бирлигига бир неча йиллар учун ўртача баҳо ва даромадлилик белгиланади; қолган барча ер майдонлари унга ёки бошқа даражаларга тенглаштирилади, майдон бирлигидан келиб чиқиб солиқ ставкаси белгиланади.

Ер ҳуқуқи – ер ресурсларини эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича, шунингдек, уларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича муносабатни тартибга солувчи комплекс ҳуқуқ тармоғи. Фуқаролик ҳуқуқи нормалари ер ҳуқуқи ўзагини ташкил этади, бироқ ер ҳуқуқида маъмурий нормалар ва экология ҳуқуқи ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ёзув (дастхат) – шаклланиши асосида ёзма ҳаракат кўникмаси ётган, кўлёзмада қайд этилган кўникмали ҳаракатлар тизими. Ҳар бир шахснинг ёзуви индивидуал, чунки у бошқа шахсларнинг ёзувидан маълум турғун белгилар мажмуаси билан фарқланади. Ёзув тил билан узлуксиз боғлиқ ва унинг график шакли бўлгани учун унда албатта ёзувчининг ўзига хослиги, унинг грамматик ва стилистик кўникмалари орқали ўз аксини топади. Ёзма нутқнинг тадқиқоти матнни тузувчиси (муаллифи) тўғрисидаги саволни ҳал этишга имкон беради; имзо ва ёзувнинг тадқиқотида унинг бажарувчиси ҳақидаги савол ҳал этилади.

Ёзма далиллар – жиноят, фуқаролик ва хўжалик низолари бўйича далил сифатида ишлатилувчи ёзма манбалар: шахсий хусусиятдаги ёзишмалар, у ёки бу ҳолатларга тааллуқли маълумотлар қайд этилган ҳужжатлар. Ёзма далил бажарилишига кўра қўлда ёзилган, полиграфия маҳсулоти, компьютерларда бажарилган бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ёзма далилларнинг асл нусхаси ёки кўчирмаси ҳам бўлади. Жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан ёзма манбалар кўп ҳолларда маълум бир тадқиқот ўтказилганидан сўнг асосий далил сифатида қабул қилинади. Ёзма далилнинг тадқиқоти ва уларни ўрганиш криминалистика фани томонидан ишлаб чиқилган илмий тавсиялар ва усуллар орқали амалга оширилади.

Ёлланиш (жиноят) – низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши, шунингдек ёлланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 154-моддаси).

Ёрдамчи (жиноят) – жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга ҳамда бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш

тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28-моддаси 5-қисми).

Ёш цензи (ёш чегараси) – фуқарога сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқи бериладиган ёшнинг белгилаб қўйилиши. Бошқача айтганда, ёш цензи – фуқароларнинг сайловда иштирок этишлари учун қонунда белгиланган муайян ёшга этишларининг талаб этилиши.

– Ж –

Жабрланувчи – жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар кўрган ҳамда тегишинча қарор ёки ажрим асосида жабрланувчи сифатида эътироф этилган шахс.

Жавобгар – суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахс.

Жазо (жиноий жазо) – жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чораси (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддаси 1-қисми).

Жамоат айбловчиси – жамоат бирлашмасининг ёки корхона, муассаса, ташкилот жамоасининг йиғилиши қарори билан жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиш мақсадида вакил қилинган шахс.

Жамоат тартиби – фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган, ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими.

Жамоат хавфсизлиги – шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати.

Жамоат ҳимоячиси – ишнинг судланувчининг аҳволини енгиллаштирувчи ҳолатларини аниқлашга кўмаклашадиган ҳамда судда судланувчини оқлайдиган ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштира-

диган ҳолатлар хусусида жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини баён қиладиган жамоат бирлашмасини ёки корхона, муассаса, ташкилот жамоасининг йиғилиши қарори билан вакил қилинган шахс.

Жанговар ўқ-дорилар – душманнинг тирик кучлари ва жониворларни жароҳатловчи, жанговар техникага зарар етказувчи, иншоотларини бузишга мўлжалланган жисмлар. Жанговар ўқ-дорилар мўлжалланган мақсадига кўра турлича тузилишда бўлади. Жанговар ўқ-дориларнинг айримлари ўқотар қуролни ишлатишни ўргатишда фойдаланиш учун, ўқ отилишини имитация қилиш учун, турли сигналлар бериш учун мўлжалланган бўлса, бошқалари турли нишонларни забт этиш учун мўлжалланган бўлади.

Жароҳатлар ва жарроҳлик операцияларининг излари ёки белгилари – чандиқлар, тиртиқлар, бурун елкасининг қийшиқлиги, яраларнинг излари, тишларнинг йўқлиги (кемшиклик), кўз тирқишининг тўлиқ очилмаслиги ва бошқалар.

Жимжимадор чизиқлар — имзонинг ҳарфсиз охири қисми. Тўла шаклланган имзо ўзининг мукамаллиги ва ишлатилган график белгиларнинг индивидуаллиги билан ажралиб туради. Бироқ, имзонинг бир неча маротаба бажарилишида унинг ҳамма қисмларида тўла ўхшашликни учратиш мумкин эмас. Бу имзонинг вариацияси билан изоҳланади.

Жиноий уюшма – икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 30-моддасига асосан, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки унга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 242-моддасида жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноят – Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддаси).

Жиноят иши – шахснинг қилмишида жиноят аломатлари бўлганлиги туфайли қонун билан ваколат берилган мансабдор шахслар томонидан юритиладиган ишнинг процессуал ҳужжатлаштирилган шакли.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи – жиноят процессининг биринчи ва зарурий босқичи. Унда суриштирув органи, терговчи, прокурор, судья ёки суд жиноят иши бўйича иш юритишни бошлаш учун сабаб ва асос мавжудлигига доир масалани ҳал қилади ҳамда жиноят аломатлари аниқланганда жиноят иши қўзғатади, акс ҳолда жиноят ишини қўзғатишни рад этади.

Жиноят мотиви – субъектнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари сабабли юзага келадиган, жиноят содир этишга ундовчи ички ҳис туйғу. Мотив доимо жиноятдан олдин пайдо бўлади ва унинг мақсадини белгилайди. Шу боис, у ёки бу жиноятни содир этиш мотивларини аниқлаш, аксарият ҳолларда шахснинг жиноят содир этиш натижасида эришмоқчи бўлган мақсадларини ҳам аниқлаш имконини беради. Мотив Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жавобгарликни белгилашда аҳамиятга эга бўлади.

Жиноят процесси – суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига асосланган ҳамда муайян тартиб ва тизимга эга бўлган фаолияти, ушбу фаолият муносабати билан унга у ёки бу даражада жалб этилган барча шахслар ўртасида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар. Ушбу фаолият ва муносабатлар ихтиёрий равишда кечмайди, балки жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ ва уларда белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

Жиноят процесси принципи – жиноят процесси табиатини белгилаб берувчи асосий, раҳбарий ҳуқуқий нормалар, унинг барча институтлари мазмуни бўлиб, процессуал тартиб тузилмаси ҳақидаги қарашларни ифодалайди, жиноят ишлари бўйича одил судловни, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият манфаатларини жинойий тажовузлардан самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Жиноят процессида илтимоснома – жиноят процесси иштирокчиларининг ўз ҳуқуқлари, эркинлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш, жиноят процессида белгиланган тартиб-таомилларни амалга оширишнинг муқобил йўллари қўллаш тўғрисидаги таклифи ифодаланган мурожаат.

Жиноят процессида шикоят – шахснинг ишни қўзғатиш ва тергов қилиш жараёнида қўлланилган ёки қўлланилиши лозим бўлган норманинг қонунийлиги ва асосланганлиги, жиноят процесси иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл этувчи қарор қабул қилинганлиги ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) амалга оширилганлиги туфайли қонун нормасининг бузилишини бартараф этиш ҳақидаги суриштирув органи, тергов бўлинмаси раҳбари, прокурор (юқори турувчи прокурор) ёки судга қаратилган талаби ифодаланган ёзма мурожаати.

Жиноят процессининг босқичи – умумий вазифалар билан бирлаштирилган ҳамда ваколатли органлар иш бўйича чиқарадиган ҳулосалар билан яқунланувчи процессуал ҳаракатлар ва қарорлар мажмуи. Ҳар бир босқич кейинги босқичларда муваффақиятли фаолият кўрсатилиши учун зарур шарт-шароит яратади.

Жиноят процессининг иштирокчилари – жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва жиноят-процессуал муносабатларга киришиш учун ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган органлар ва шахслар. Уларга қуйидагилар киради: суд, прокурор, суриштирув органлари, айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ва жавобгар, эксперт, таржимон ва ҳоказо.

Жиноят содир этилган вақт – қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар Жиноят кодекси моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агар Жиноят кодекси моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддаси)

Жиноят таркиби – жиноят қонунчилигида аниқ бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йиғиндиси. Жиноят таркибининг объектив ва субъектив белгилари ўртасида ўзаро алоқа ва узвий боғлиқлик мавжуд. Жиноят таркиби объектив белгилари – объект, объект томон, субъектив белгилари эса субъект, субъектив томон белгиларидан ташкил топади. Қилмишда жиноят таркиби белгилари йиғиндисининг мавжудлиги жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Жиноят учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати.

Жиноят учун жавобгарлик асослари – жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддаси 2-қисми). Жиноий жавобгарликнинг фактик асоси шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Жиноят учун жавобгарликнинг норматив асоси Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркиби ҳисобланади. Фактик ва норматив асослар биргаликда жиноят учун жавобгарликнинг асосини ташкил қилади.

Жиноятга дахлдорлик – жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар қилмаслик ёхуд жиноятчини, жиноят содир қилиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яшириш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 31-моддаси).

Жиноятда иштирокчиликнинг шакллари – оддий, мураккаб, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 29-моддаси).

Жиноятларни квалификация қилиш – содир этилган қилмиш белгилари билан Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларининг бир-бирига тўлиқ мос келишини аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Жиноятларни таснифлаш – жиноятларни у ёки бу белгиларига кўра туркумларга ажратиш. Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддаси).

Жиноятларнинг моддий излари – жиноят ҳодисаси билан боғлиқликда бўлган моддий объектларнинг турлича хоссалари, ҳолати, белгиларининг ўзгариб туриши ва ушбу кўрсатилган ўзгаришларни ташувчилари бўлган моддий объектлар. Ушбу моддий изларни жиноятларни тергов қилиш ва очиш жараёнида самарали қўллашнинг муҳим омилларидан бири, уларни ўз вақтида аниқлаш, олиш, қайд этиш ва тадқиқот қилиш жараёнларига боғлиқ.

Жиноят-процессуал қонун – бошқа қонунлар сингари бажарилиши шарт бўлган қоидалар, ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Ушбу қонунга мувофиқ жиноят иши юритуви тартибга солинади.

Жиноят-процессуал функциялар – жиноят процесси олдида турган вазифаларни ҳал қилиш жараёнининг бориши ва яқунланишини таъминловчи органлар ва шахслар фаолиятининг бош йўналишлари.

Жиноят-процессуал шакл – жиноят процесси ва унинг айрим босқичлари, шартларининг жиноят-процессуал ҳуқуқда мустаҳкамланган тузилиши, процессуал ҳаракатларни бажариш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этиш кетма-кетлиги ва тартиби.

Жисмоний зарар – содир этилган жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) оқибатида жабрланувчига, унинг соғлиғига етказилган шикаст, тан жароҳати ёки бошқача тарзда баданига, тана аъзоларига, уларнинг бутлиғига етказилган зарар.

Жисмоний шахс – 1) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-моддаси); 2) фуқаролик ҳуқуқида жамоани ташкил этувчи юридик шахсдан фарқли ўлароқ, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлган алоҳида фуқаро (хорижлик фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахс).

Жосулик (жиноят) – чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг давлат сири ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиши, худди шунингдек етказиш мақсадида қўлга киритиши, йиғиши ёки сақлаши, шунингдек чет эл разведкасининг топшириғи бўйича Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни етказиши ёки йиғиши (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 160-моддаси).

- 3 -

Заводда тайёрланган совуқ қурол – давлат стандарти ва техник қоидалар талабларига риоя қилинган ҳолда, махсус қуролсозлик заводида ҳарбий мақсадлар учун тайёрланган совуқ қурол.

Закалат – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири. Шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш учун шартнома юзасидан иккинчи тарафга тўлайдиган пулидан берадиган пул суммаси закалат деб тушунилади. Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар ёзма равишда тузилади. Шартномадаги тараф амалга ошириши керак бўлган тўловлар ҳисобидан тўлан-

ган сумма закат эканлигига шубҳа туғилган тақдирда бу сумма, агар бошқа ҳол исботланган бўлмаса, бўнак сифатида тўланган ҳисобланади. Мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишуви-га мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги туфайли тугатилса, закат пули қайтариб берилиши керак. Агар шартноманинг бажарилмаганлиги учун закат пули берган тараф жавобгар бўлса, закат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закатни икки барабар қилиб қайтариши шарт. Бундан ташқари, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, закат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

Зарар етказиш – юридик факт, зарар келтирувчига жабрланувчининг талабини қондириш мақсадида юкланадиган тегишли мажбуриятнинг юзага келиш асоси. Зарар етказиш оқибатида мажбуриятнинг юзага келиши – келишилмаган (нозик) мажбуриятнинг юридик шакли, фуқаролик ҳуқуқи меъёрида кўзда тутилади. Қуйидаги вазиятларда зарарни қоплаш бўйича мажбурият кучга киради: 1) фуқаронинг соғлиғи, ҳаёти, мулкига ёки ташкилот мулкига етказилган аниқ зарар мавжудлиги; 2) зарар келтирувчининг ғайриҳуқуқий ҳаракати (ҳаракатсизлиги), яъни унинг белгиланган ҳуқуқий талабларни (меъёр, қоидаларни) бузганлиги; 3) зарар келтирувчининг ғайриҳуқуқий ҳаракати ва юзага келган зарар ўртасидаги сабабий боғлиқлик; кўрсатилган ҳаракат – сабаб, зарар эса – амалга оширилганнинг оқибати; 4) зарар келтирувчининг айби (ният шаклида ёки эҳтиётсизлик). Фақат юқорида айтилган барча шартлар мавжуд бўлсагина зарар келтирувчини жавобгарликка тортиш мумкин бўлади. Агар зарар фуқаролар ёки атрофдагилар учун юқори даражадаги хавф билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар (саноат, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва б.) томонидан етказилса, улар зарарни қоплашга мажбурдирлар. Агар зарар етказиш ходимларга, улар ўз меҳнат вазифасини бажаришида юзага келган бўлса, зарар етказувчилар меҳнат муносабатида бўлган ташкилот зарарни қоплаши лозим. Давлат ва жамият ташкилотларининг ғайриқонуний ҳаракатлари фуқарога зарар етказган бўлса, зарар умумий асосларда қопланади. Шунингдек, мансабдор шахс маъмурий бошқариш соҳасида ўз хизмат вазифасини бажараётганда ҳам етказилган зарар умумий асосларда қопланади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот – бадий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар ва нарсалар.

– И –

Идентификация (лот. identificfare – айниятни аниқлаш) – айнанликни аниқлаш. “Идентификация” атамаси одам, буюм ва ҳоқозоларнинг айнанлигини аниқлаш деган маънони англатади. Идентификациялаш – қуйидаги саволга жавоб бериш: муайян объект қидириляётган объектми (масалан, болта жиноят содир этилишида эшикни бузиш учун ишлатилган воситами)? Айнанликни аниқлаш ва айнанликни аниқлаш учун асос бўлган таққослаш тадқиқотлари жараёнини ҳам идентификация деб аташ қабул қилинган. Идентификация – тадқиқотнинг умумий, тадқиқот жараёнининг, бу жараёнда айният, яъни объектнинг ўз-ўзига мослиги, тенглиги, ўхшашлиги аниқланадиган ҳаракатнинг шакллантирувчи методи, илмий назариядир.

Ижро ҳужжатлари – ижро юритувининг қўзғатилиши учун ва суд ижрочиси томонидан суд қарорларини, шунингдек, бошқа органлар қарорларини мажбурий бажариш бўйича ҳаракатлар содир қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар. Ижро ҳужжатлари судлар, хўжалик судлари, нотариал ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилади. Ижро ҳужжатларига: 1) судлар, хўжалик судлари, суд томонидан тасдиқланган халқаро келишувлар, хорижий судлар қарорлари, ҳукмлари, ажримлари асосида берилладиган ижро варақлари; 2) суд буйруқлари; 3) нотариал органларининг ижро хатлари; 4) хўжалик судининг буйруғи; 5) тўловчи томонидан акцепт қилинган муддатида тўланмаган тўлов талабномалари; 6) маъмурий органлар томонидан берилладиган фуқаролардан сўзсиз ундиришни амалга ошириш тўғрисидаги қарорлар; 7) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳужжатлар киради.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар – юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя ҳамда қўллаб-қувватланишга муҳтож болалар.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган – вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган

шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила.

Из – бир объектда иккинчи бир объектга хос маълум бир ҳодиса хусусиятларининг акс этиши ёки айнанликни аниқловчи (идентификацияловчи) объектда айнанлиги аниқланаётган (идентификацияланаётган) объектнинг ташқи хоссаларининг акс этиши. Ташқи тузилишнинг акс эттирувчи излар – динамик, статик таъсирларнинг акс эттиради; ҳодисалар хоссаларининг акс эттирувчи излар – биророрта объект сирти хусусиятларининг бирор таъсир натижасида ўзгаришининг ёки бузилишининг акс эттиради. “Из” тушунчаси, кенг маънода, жиноят содир қилиш туфайли вужудга келган ҳар қандай оддий ўзгаришларни англатади. Тор маънодаги из деганда, бир объектнинг иккинчи бир объектда қолдирган изи ташқи тузилишининг тасвири тушунилади.

Изларни қайд қилиш – криминалистикада кейинчалик техник-криминалистик тадқиқот ўтказиш мақсадида изни мустаҳкамлаш ва унга хос бўлган белгилар ва хоссаларнинг сақланишининг таъминлаш. Фиксация қилиш ва изларни олишнинг махсус усуллари (м-н, ёпишқоқ тасма, нусха кўчириш, суратга олиш)ни қўллаш деярли ҳар доим бир қисм ахборотнинг йўқолишига олиб келади. Шу боис изларни қайд қилиш чоғида тадқиқот учун изларнинг топилган пайтдаги ҳолининг сақланишининг таъминлаш зарур.

Изларни топиш – криминалистикада изларни қидиришнинг алоҳида тури. Излар, улар ҳосил бўлганда ташиб келтирилган моддалар из манбаникидан фарқли хусусиятларга эга бўлгандагина, юзага чиқади. Кўринмас изларни оптик воситалар, кукунлар, шиша ёки эритмалар ёрдамида кўринарли қилиш мумкин. Изларни топишда қўлланадиган усул из манбаига боғлиқ бўлади. Чунончи, дактилоскопияда акслантирилган сунъий нур, чанглантириш воситалари (магнит чўткаси, қоракуя кукуни, аргенторат, қоракуянинг кўмирланган кукуни) ва бошқалар ишлатилади.

Имзо – шахснинг бирор-бир ҳужжат ёки хатда ўз қўли билан ёзган график тасвири. Шахснинг хусусий белгиси сифатида имзо ҳам хат каби шахсни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган криминалистик

тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Имзо оддий хатдан қуйидагилари билан фарқланади: а) ҳажмига кўра анча чекланган график ёзувни ўз ичига олади; б) кўпинча унинг график тасвири бажарувчининг фамилиясидаги ҳарфли ёзувга тўғри келмайди; в) одатда, имзо хатга нисбатан автоматлаштирилган тарзда бажарилади.

Иммунитет – юрисдикцияни истисно қилиш ёки ундан озод этилиш.

Импичмент (инг. impeachment) – бир қатор хорижий давлатларда давлатнинг юқори мансабдор шахслари жавобгарлигини жорий қилишнинг алоҳида тартиби. Импичмент тартибида ишларни кўриш вақтида парламентнинг қуйи палатаси судга ошириш камераси ролини ўйнайди – айбловни шакллантиради ва уни тегишли мансабдор шахсга тақдим қилади. Ишни мазмунан кўриб чиқиш ўзини суд ҳайъатига айлантирган парламентнинг юқори палатаси томонидан амалга оширилади. Жазо мансабидан озод қилишдан ортиқча бўлиши мумкин эмас, бироқ, қоида тариқасида, импичмент тартибида мансабидан четлаштирилган мансабдор шахс келгусида суд томонидан у содир қилинган ҳаракатга кўра судланиши ва жиноий жазога тортилиши мумкин.

Имплементация (инг. Implementation) – халқаро мажбуриятларни (халқаро ҳуқуқни) давлат ичида амалий жорий қилиш; халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунлар ва қонун ости қоидаларига айлантириш йўли билан амалга оширилади. Бир қатор давлатларда ратификация қилинган халқаро шартномалар ўз-ўзидан миллий қонунчиликнинг қисми бўлиб қолади.

Инаугурация (иногурация) (инг. inauguration) – бир қатор давлатларда янги сайланган давлат бошлиғининг мансабини эгаллашида ўтказиладиган тантанали маросимнинг номланиши.

Инвентаризация (лот. inventarium – мол-мулкни хатлаш) – ташкилот балансида ҳисобда бўлган қимматликларни, уларнинг сақланишини ва сақланишининг тўғрилигини, воситалар олишга бўлган мажбурият ва ҳуқуқни, шунингдек, омбор хўжалигини юритиш ва ҳисобга олиш маълумотларининг тўғрилигини даврий текшириш. У моддий қимматликларнинг сақланишини назорат қилишга, моддий жавобгар шахсларни ҳисобга олиш ва ишида бўлиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш ва бартараф қилишга, етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш, моддий ва бошқа қимматликларнинг қолдиқлари тўғрисида ҳисоб маълумотларини аниқлашга имкон беради. Асосий фондлар (воситалар), товар-моддий қимматликлар, тугаллан-

маган ишлаб чиқаришдаги харажатлар, пул маблағлари, маҳсулот етказиб берувчилар, буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа қисмлари инвентаризация қилинади.

Инкассатор (итал. *incassare* – қутига солмоқ) – ташкилотлардан банкка топшириш учун пулларни қабул қилиб олувчи мансабдор шахс (ёки аксинча, уларни банкдан ташкилотлар учун олувчи).

Инсофли эгалловчи – мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс эканлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган ҳолатда мол-мулкнинг ҳақини тўлаб олган шахс.

Инсофсиз эгалловчи – мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс эканлигини билган ва билиши мумкин бўлган ҳолатда мол-мулкнинг ҳақини тўлаб олган шахс.

Инспекция (лот. *inspectio* – кўздан кечириш) – давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга (масалан, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати қоидалари) риоя қилинишини назорат қилувчи орган. Инспекциянинг вазифасига нафақат ижрони текшириш, балки тартиб бузилишини жойида бартараф қилиш чораларини кўриш ҳам киради.

Инстанция (лот. *instantia* – бевосита яқинлик) – муайян муассасанинг ўша тизимдаги юқори ва қуйи турувчи муассасаларга нисбатан тутган даражасини билдирувчи маъмурий ва суд-ҳуқуқ идораси.

Ирқий ценз (ирқ бўйича чегаралаш) – сайлов қонуни талаби. Унга кўра, сайлов ҳуқуқи фақат маълум ирқдаги фуқароларга берилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ирқий ценз назарда тутилмаган.

Исботлаш предмети – хусусияти қандай эканлигидан қатъи назар, ҳар бир жинойт иши бўйича аниқланиши шарт бўлган ва ишни мазмунан ҳал қилиш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар мажмуи.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари – алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар жойлаштириладиган махсус ўқув муассасаси. Одатда, тарбияси оғир вояга етмаганлар Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг илтимосномасига биноан суднинг ажрими билан жойлаштирилади. Ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасининг иккита тури мавжуд: ихтисослаштирилган мактаб (11–14 ёшдагилар учун), ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи (14–18 ёшдагилар учун).

Ички бошқарув – тизим доирасидаги раҳбарлик, асосан ташкилий тартибдаги масалаларни ҳал қилишда (режалаштириш, истиқболни белгилаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва

тарбиялашда) намоён бўлади. Ички ишлар органларида ички бошқарув «*бошлиқ – бўйсунувчи*» тартибида амалга оширилади ва ташкилотнинг ички фаолиятини таъминлашда намоён бўлади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари – “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонун асосида ташкил этиладиган назоратсиз ва қаровсиз қолган ва қонунда кўрсатилган бошқа тоифадаги вояга етмаганларни қабул қилиш, вақтинча сақлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва реабилитациясини амалга оширувчи махсус бўлинма.

Иш вақти – меҳнат ҳуқуқида календарь вақтининг бир қисми, бу вақт мобайнида ишчи ёки хизматчи ўзига кўрсатилган жойда топширилган ишини ёки бошқа иш мажбуриятларини бажариши керак. Бир ҳафталик иш вақти 40 соатдан ошмаслиги лозим. 18 ёшга етмаган ишчилар учун қисқартирилган муддат белгиланади: 1) 16–18 ёшгача ҳафтасига 36 соат; 2) 15–16 ёшгача ва шу билан бирга таътил вақтида ишлайдиган ишчилар, яъни 14–15 ёшгача бўлганларнинг иш вақти 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Қисқартирилган иш вақти айрим қатламда ишчилар, ўқитувчилар, врачлар, аёллар, қишлоқ жойларида ишловчилар учун берилади. Иш вақти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 114–125-моддаларида мукамал баён этилган.

Иш ҳақи – меҳнат қонунчилиги талаблари ва меҳнат шартномалари шартларига мувофиқ, ходимга иш берувчи меҳнат учун тўлаши шарт бўлган ҳақ. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддасига асосан, «меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади». Иш ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирор-бир тарзда чекланмайди. Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас.

Ишончнома – бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахс олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Ишончномага вакил учун ваколат белгиладиган бир томонлама битим сифатида қаралади. Ишончнома топшириқ шартномаси, меҳнат шартномаси, экспедиция

шартномаси ва бошқа шартномалар асосида берилади. Ишончнома вакилнинг учинчи шахслар билан ҳуқуқий муносабатларда бўлиши учун берилади. Ишончноманинг мазмунидан ишончли вакилнинг қандай ваколатларга эга эканлиги, қандай юридик ҳаракатлар қилишга ҳақли эканлиги кўриниб туради. Бинобарин, ишончли вакил ишончномада кўрсатилган ваколат доирасида ҳаракат қилиб, учинчи шахслар билан шартнома тузган бўлса, ишонч билдирувчи бу шартномани бажаришдан бош торта олмайди. Ишончнома умумий ва махсус турларга бўлинади. Юридик шахс номидан, шунингдек, юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин. Ишончнома бир шахс, шунингдек, бир неча шахслар номидан бир ёки бир неча шахслар номига ҳам берилиши мумкин.

– Й –

Йўл – транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ва фойдаланиладиган ер полосаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль йўлларини, шаҳар электр транспорти йўлларини ва йўлкаларни ўз ичига олади.

Йўл ҳаракати – одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

Йўл ҳаракати қатнашчиси – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этаётган шахс.

Йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиши сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини камайтиришга қаратилган фаолият.

Йўриқнома – 1) вазирликлар, давлат бошқарувининг бошқа марказий ва маҳаллий органлари раҳбарлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида чиқарадиган қонуни, фармойиши, ҳукумат ва давлат бошқарувининг юқори турувчи органларининг қарорлари ва

актлари асосида бериладиган қонун кучига эга норматив акти;
2) ишлаб чиқариш ва техника фаолиятини тартибга солувчи қоидалар тўплами.

– К –

Кадастр (фран. cadastre – варақ, рўйхат, реестр) – 1) объектларнинг нархи ва ўртача даромади тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи реестр; 2) жон бошига солинадиган солиққа тортиладиган шахслар рўйхати; 3) у ёки бу табиий объектлар тўғрисида асосий маълумотларнинг тизимлаштирилган тўплами: ер кадастри, сув кадастри ва бошқалар.

Казус (лот. casus) – ҳуқуқда: 1) шахснинг эркига боғлиқ бўлмасдан юз берадиган ҳодиса ва шунинг учун олдиндан юз бериши назарда тутилган бўлиши мумкин эмас; 2) ҳуқуқбузарликнинг ташқи белгиларига эга бўлган тасодифий ҳаракат (қасддан ва эҳтиётсизликдан фарқли ўлароқ), бироқ айбнинг элементларига эга эмас ва ўз навбатида юридик жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Карцер (лот. carcer – қоронғу жой, турма) – турмалар, армиялар ва ўқув муассасаларида белгиланган тартибни бузувчилар учун мўлжалланган маҳсус хона.

Қамоққа олинганлар учун карцерда алоҳида қаттиқ тартиб ўрнатилган.

Кассация (лот. guasso – бузаман, синдираман) – 1) юқори судга қонуний кучга кирмаган суд қарорлари, ҳукмлари юзасидан шикоят ва протест бериш; 2) юқори суд томонидан қонуний кучга кирмаган суднинг қарорлари ва ҳукмлари қонунийлиги ва асослилигини ишдаги мавжуд бўлган ва қўшимча тақдим қилинган материаллар бўйича текшириш; кассация тартибида ишни кўришда унинг мазмуни ўзгартирилмайди; 3) юқори инстанция томонидан қуйи инстанция судининг қарорини қонунларнинг бузилганлиги ёки у томонидан иш юридуви қоидаларига риоя қилинмаганлиги учун қайта кўриб чиқиш, бекор қилиш.

Кассация инстанцияси суди – қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар кассация тартибида шикоят бериши ва прокурор протест келтириши мумкин.

Катта экин майдони – 1000 квадрат метр ва ундан ортиқ бўлган экин майдони. Жиноят кодексининг 270-моддасига асосан кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда катта экин майдонига экиш ёки етиштириш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Кафиллик – жиноят процессида эҳтиёт чораларидан бири. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суд томонидан айбланувчига ва судланувчига нисбатан, улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниши, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши ёки жиноий фаолият билан шуғулланишининг олдини олиш учун қўлланилади.

Кафолат – мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули. *Кафолатга* биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенифициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 299-моддаси). Кафолатнинг хусусиятларидан бири шундаки, бунда ҳар доим кафил сифатида банк, бошқа кредит муассасаси ёхуд суғурта ташкилоти қатнашади.

Кафолатли тўлов – ходимнинг узрли сабаблар билан ўз меҳнат вазифасини амалда бажармаган даври учун қонунда кўзда тутилганига мувофиқ равишда ҳақ тўланиши.

Кворум (лот. quorum) – йиғилиш аъзоларининг кўпчилик сони, бунда йиғилиш ваколатли ҳисобланади ва кучга эга бўлган қарорлар қабул қилиши мумкин. Кворум аъзоларнинг умумий сонига нисбатан рақам ёки фоиз билан белгиланади. Баъзи ҳолларда, одатдаги кворум нисбати алоҳида муҳим масалаларни ҳал қилишда амалга оширилади.

Квота (лот. quota) – маҳсулотни ишлаб чиқариш, ўтказиш, экспорт ёки импорт қилишда миллий ёки халқаро картел ёки ўзга келишувларга кирувчи корхоналар ёки компаниялар учун белгиланадиган иштирок этиш улуши; белгиланган вақт давомида алоҳида товарлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳига қилинадиган импорт ёки экспортнинг қиймат ёки сон жиҳатдан чекланиши.

Кодекс (лот. codex – қонунлар тўплами) – тизимлаштирилган ҳуқуқий актлар, унда ҳуқуқ тармоғининг барча нормалари белгила-

нади. Кодексдаги ҳуқуқий нормаларнинг жойлашиши тегишли ҳуқуқ тармоғи тизимининг акс эттирилиши тартибида ишлаб чиқилади.

Кодификация (лот. *codification, codex* – қонунлар тўплами + *facio* – қиламан) – норматив-ҳуқуқий актларни қайта ишлаш йўли билан уларнинг ягоналигига олиб борувчи жараён. Кодификация жараёнида ҳуқуқий нормаларнинг эскирган қисми олиб ташланади, норматив-ҳуқуқий актларнинг қисми бобларга бўлинади ва боғланади, кодификация қилинган актларни ўзининг ихтисослашган мазмунли структураси шакллантирилади.

Колония (лот. *colonia* – манзилгоҳ) – 1) сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум қилинган ва махсус тартиб асосида бошқарилувчи, хорижий давлат ҳокимияти остида бўлган мамлакат ёки ҳудуд; 2) бир қатор мамлакатларда жазони ижро этиш муассасасининг номи.

Комиссиявий экспертиза – суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд қарорига асосан, экспертиза олдига қўйилган саволларни ҳал қилиш мақсадида зарур тадқиқотлар бир гуруҳ эксперт-мутахассислар томонидан ўтказиладиган экспертиза тури. Мураккаб экспертизалар бир ихтисосдаги экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши мумкин. Совуқ қуроллар экспертизасининг объектлари ўта мураккаб бўлса, бу объектларни совуқ қуроллар туркумига тегишлилигини, таснифий тури ва русумини, ясашиш усулини аниқлашда қийинчиликлар туғилса, комиссиявий экспертиза тайинланиб, шу соҳа мутахассисларидан экспертлар комиссияси тузилади. Экспертлар ўзаро маслаҳатлашиб, умумий фикрга келганларидан сўнг ўзлари ўтказган экспертиза хулосасини тасдиқлайдилар. Экспертлар ўртасида келишмовчилик вужудга келганида, ҳар бир эксперт келишмовчилик чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Компенсация тўловлари – ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши ёки бошқа ишга ўтиши ёхуд бошқа жойдаги ишга кўчирилиши ва қабул қилиниши билан боғлиқ сарф-харажатларини қоплаш мақсадида тўланадиган ҳақ.

Комплекс экспертиза – махсус билимларнинг ёки экспертизаларнинг бир тури ёрдамида ҳал қилиб бўлмайдиган, экспертизаларнинг бир неча тури ёрдамида ўтказиладиган экспертиза тадқиқоти. Масалан, жиноят ишлари бўйича совуқ қуролнинг ишлатилиш изларини аниқлашда совуқ қуроллар экспертизаси ва трасологик экспертиза биргаликда тайинланади. Бу экспертизани ўтказиш учун шу икки соҳа мутахассислари биргаликда тадқиқот ўтказадилар. Комплекс экспертизада экспертлар ўзлари ўтказган тадқиқотлар тури

бўйича экспертиза хулосасини тасдиқлайдилар. Ҳар бир эксперт комплекс экспертиза хулосасида ўз мутахассислиги бўйича яқун чиқаради ва уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Компьютер ахборотини модификациялаштириш – компьютер тизими, тармоғи (доимий эслаб қоладиган ускуналар, қаттиқ диск кабилар) ёхуд компьютер ахборотларини олиб юрадиган воситалар (дискеталар, флеш-карта, диск кабилар)да сақланаётган (қонуний фойдаланувчи ёки мулкдорнинг тасарруфида бўлган) ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, шунингдек била туриб унга нотўғри ахборотни киритиш. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278⁴-моддаси).

Компьютер саботаж – ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, шунингдек компьютер тизимини бузиш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278⁵-моддаси).

Консенсус (лот. consensus – розилик, келишув, умумий фикр) – халқаро конференциялар, йиғилишлар ва халқаро ташкилотларда қарор ёки шартнома матнини, мазкур форумда иштирок этаётганларнинг ҳеч бири қарши овоз билдирмаган ҳолатларда уларнинг умумий розилиги асосида овозга қўймасдан қабул қилиш. Консенсус, шунингдек, муҳокама қилиниши маълум вақтга кечиктириляётган масалаларга нисбатан давлатлар нуқтаи-назарининг умумийлигини (бирлигини) таъминлаш воситаси сифатида ҳам қўлланади.

Конституциявий қонун – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган қонун. Конституциявий қонун барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади. Конституциявий қонун олий юридик мақомга эга бўлиб, қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўттиз кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Конституциявий ҳуқуқ – *биринчидан*, Конституцияда мустаҳкамланган фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, улар: шахсий, сиёсий, иқтисодий соҳадаги асосий ҳуқуқларга бўлинади; *иккинчидан*, конституциявий ҳуқуқ – ҳуқуқ тармоғи (шу билан бирга, ҳуқуқий тизимда етакчи ҳуқуқ); *учинчидан*, конституциявий ҳуқуқ – ҳуқуқ фанларидан бири.

Контрабанда (лот. contra – қарши ва итал. bando – ҳуқумат фармони) – мамлакатга олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган товарлар, қимматбаҳо буюмлар, валюта бойликлари ва бошқаларни давлат

чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш. Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи захарли, захарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни, шунингдек ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказишда ифодаланади. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси).

Контракт (лот. contractus) – шартнома тушунчасининг синоними бўлиб, фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқига оид муносабатларга нисбатан қўлланилади. Меҳнат кодекси талқинига кўра, контракт – маъмурият билан ходим ўртасида муайян муддатга ёки номаълум муддатга тузиладиган меҳнат шартномаси. Унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланади. Шунингдек, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари назарда тутилади.

Коррупция (лот. corruptio – айниш, порага сотилиш) – мансабдор шахснинг эгаллаб турган лавозими бўйича берилган мансаб ваколатларини шахсий бойиш мақсадларида бевосита суиистеъмол қилиши. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор нормаларида коррупция жиноятлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Кредит (лот. creditum – қарз, credo – ишонаман) – пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шarti билан маълум муддатларга қарзга бериш.

Кўпчилик учун хавфли усул – ўт қўйиш, портлатиш, сув бостириш ва одамлар халок бўлиши ёки кўп миқдорда зарар кўриш хавфини туғдириш, одамлар гавжум жойларда ўқ отиш, одам ўлдиришда газ воситасидан фойдаланиш, жабрланувчидан бошқа одамлар фойдаланадиган сувни ва овқатни захарлашда фойдаланиш.

- Л -

Лавозимдан четлаштириш – процессуал мажбурлов чораларидан бири. Айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган

зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилади ёхуд жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, улар лавозимдан суднинг руҳсати орқали четлаштирилади.

Латент (лот. lateens – яширин) **жиноятлар** – жиноят ишларини олиб борувчи, тергов қилувчи давлат идораларига жиноят тўғрисида хабар келмаслиги ва аниқланмай қолиши. Латент жиноят криминалогия ва жиноят ҳуқуқида алоҳида бир ҳуқуқий тушунча сифатида ўрганилади.

Латент жиноятчилик – қонунга биноан, содир этилган жиноятларни тергов қилиш ёки кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган органлардан яширилган, ушбу органлар аниқламаган ва жиноий жазога тортилиши керак бўлган қилмишлар рўйхатида акс этмаган, яъни қайд этилмаган жиноятлар.

Лимит (лот. limes/limitis – чегара, оралик) – бирор-бир нарсанинг энг кўп ёки энг кам миқдори, чегаравий нормаси; қандайдир жамғармалардан пул маблағларини ажратиш, материалларни бериш ва бошқаларнинг чегаравий миқдорини белгиловчи ҳужжат.

Ломбард (инг. pawnshop; фран. lombard) – кўчар мулк (қимматбаҳо буюмлар, мўйналар ва ш.к.)ни гаровга олиб, ссуда берадиган кредит муассасаси.

Ломбард кредити – ломбардлар осон сотиладиган кўчар мулк ёки қимматбаҳо қоғозни гаровга олиб берадиган қисқа муддатли кредит. Гаровга олинadиган буюмлар томонларнинг келишуви асосида баҳоланади. Гаров қиймати одатда кредит суммасидан 15—50% ортиқ бўлади, шу боис қарз олувчи кредитни ўз вақтида қайтармаган тақдирда кредитор гаровга қўйилган мулкни сотади ва олинган сумма ҳисобидан қарзни ва у бўйича фоизларни қоплайди.

- М -

Мажбурият – фуқаролик ишларига оид ҳуқуқий муносабат. Унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мажоритар сайлов тизими (фран. majoritee – кўпчилик) – муайян сайлов округи бўйича сайловчиларнинг энг кўп овозини олган номзод сайланиши. Ўзбекистонда кўпчилик овозга асосланган мажоритар сайлов тизими қўлланилади. Бундай сайлов тизимига кўра сайловчиларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган номзод сайланган ҳисобланади. Ушбу тизимда одатда овоз беришда иштирок этувчи сайловчилар сонининг қуйи чегараси белгиланади (Ўзбекистонда парламент сайловида – 33%), фақат камида ана шу кўрсаткичга эришилгандагина сайлов бўлиб ўтган деб эътироф этилади. Агар бирорта ҳам номзод мутлақ кўпчиликнинг овозини тўплай олмаган бўлса, сайланганлик масаласи ҳал этилмаган бўлади. Бундай ҳолларда энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказилади.

Маида безорилик – жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик.

Ман этиш, тақиқлаш – ҳуқуқ нормасида назарда тутилган у ёки бу ҳаракатни амалга оширмаслик бўйича юридик мажбуриятни зиммага юклаш.

Мандат (лот. *mandatum* – топшириқ) – 1) муайян шахсга ваколат берувчи ҳужжат; 2) қоида тариқасида, сайловлар орқали эгалланган бўш ўрин (лавозим). Одатда, мазкур атама якка ёки бирикма атама сифатида сайлов ҳуқуқида қўлланилади. Сайлов қонунчилигида мандат атамаси билан бир қаторда бир қанча бирикмаларни кўриш мумкин – «бир мандатли» (униноминал), «икки мандатли» (биноминал) ва «кўп мандатли» (полиноминал) сайлов округлари – бу мазкур сайлов округидан мувофиқ равишда бир, икки ва ундан ортиқ депутат сайланишини англатади. Мандат атамаси кўпинча депутатлик ўрни сифатида тушунилади; 3) бошқа сўзлар билан бириккан ҳолда (эркин мандат, императив мандат) муайян вакиллик органи депутати мақомининг характерини билдиради.

Мансаб сохтакорлиги (жиноят) – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши. Мансаб сохтакорлиги фуқаролар-

нинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишида ифодаланади.

Мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахслар.

Маъмурий баённома – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолатлар аниқланганда ҳуқуқбузарга нисбатан тузиладиган расмий ёзма баёнот, билдириш, тушунтириш. Маъмурий баённома Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (281-модда) талаблари асосида тузилади ва маъмурий процессуал ҳужжат ҳисобланади..

Маъмурий назорат – ички ишлар органлари томонидан ўзларига берилган ваколат доирасида алоҳида тоифадаги илгари судланган шахслар устидан амалга ошириладиган назорат тури. Маъмурий назорат ички ишлар органининг тақдимномасига асосан, суд томонидан 6 ойдан 1 йилгача бўлган муддатда ўрнатилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик – қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Мародёрлик (фран. *maraudeur* – талончи) – ҳалок бўлганларнинг ёки ярадорларнинг буюмларини жанговар вазиятда эгаллаш. Мародёрлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 286-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Маҳаллий солиқлар – маҳаллий бюджетга келиб тушадиган ва маҳаллий доирада ишлатилувчи солиқлар. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар келтирилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради: мол-мулк солиғи; ер солиғи; ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ва ҳоказо.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – халқ томонидан сайланадиган, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вазифаларини амалга ошириш топшириладиган органлар. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига куйидагилар киради: маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органлари – халқ томонидан сайланадиган депутатлар (вакиллар)дан таркиб топувчи йиғилиш, кенгаш. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим масалаларини ҳал қилади, шу жумладан маҳаллий тузилма ваколатига кирувчи масалалар юзасидан барча учун мажбурий қоидаларни белгилайди, маҳаллий бюджетларни қабул қилади, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилайди ва ҳоказо (маҳаллий тузилма Уставида сайлаб қўйиладиган бошқа коллегиял маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органлари назарда тутилиши ҳам мумкин); маҳаллий тузилма бошлиғи – халқ ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан сайланувчи, маҳаллий тузилма ҳудудида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш фаолиятига раҳбарлик қилувчи мансабдор шахс (шаҳар, туман бошлиғи, мэр ва ҳ.к.) (маҳаллий тузилма Уставида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлаб қўйиладиган бошқа мансабдор шахслар лавозимлари назарда тутилиши ҳам мумкин).

Маҳсулот белгиси – маълум бир заводда ёки корхонада ишлаб чиқарилган бирор тур ёки намунадаги маҳсулотни бошқа маҳсулотлардан фарқлаш учун унга қўйиладиган белги.

Маҳсус билимлар – жинойт ёки фуқаролик процессларида эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этувчи, шунингдек давлат органлари берган топшириқларга кўра маҳсус тадқиқотлар ўтказувчи шахслар фойдаланадиган бирор фан, техника, санъат ёки касб соҳасидаги билимлар.

Маълумот цензи (маълумот бўйича чегаралаш) – сайлов қонунини назарда тутилган, яъни сайлов ҳуқуқи (сайлаш ёки сайланиш) фақат тегишли ҳужжатларда қайд этилган маълум маълумот даражасига мансублик. Маълумот цензи бугунги кунда Туркия давлатида қўлланилади. Жумладан, ушбу давлат Президенти лавозимига номзод этиб кўрсатилган фуқаро олий маълумотга эга бўлиши лозим.

Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури. Маъмурий жавобгарлик маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниб, айбдор шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартиб-

да маъмурий жазо кўллашдир. Маъмурий жавобгарлик жиноий жавобгарликка нисбатан бироз енгил ҳуқуқий жавобгарлик шакли бўлиб, фуқаро ва мансабдор шахсларга содир этган маъмурий тартиб-бузарликлари учун тайинланади.

Маъмурий жараён – ҳуқуқий жараённинг кенг тарқалган кўри-ниши бўлиб, ижро ҳокимияти органларининг маъмурий процессуал шаклда амалга оширадиган ва аниқ бир ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга қаратилган ҳокимият фаолияти. Бу, биринчи навбатда, маъмурий жараённинг маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинганлигига асосланади. Маъмурий жараён ҳуқуқий жараённинг барча умумий хусусиятларига эга. Лекин унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд: *биринчидан*, маъмурий жараён – ижро органлари томонидан мақсадга мувофиқ йўналтирилган ҳокимият фаолияти; *иккинчидан*, ижро органларининг ҳокимият фаолияти қонун ҳужжатларига асосланиб, уларга тегишли бўлган аниқ масалаларни ҳал этишга қаратилган; *учинчидан*, маъмурий жараённинг натижаси маъмурий-ҳуқуқий актнинг қабул қилиниши ҳисобланади; *тўртинчидан*, ижро органларининг ҳокимият ваколатлари маъмурий ҳуқуқ, хусусан, унинг процессуал нормалари билан тартибга солинади; *бешинчидан*, маъмурий жараён, қоида бўйича, соддалаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Маъмурий ушлаб туриш – маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни амалга оширишни таъминлаш чораларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексининг 29-моддаси билан тартибга солинади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсни маъмурий ушлаб туриш уч соатгача (баъзи ҳолларда суд томонидан, ички ишлар органлари бошлиғи ёки ўрин-босарлари томонидан ишни кўриб чиққунга қадар давом этиши мумкин. Чегара тартибини бузувчилар шахси ва ҳуқуқбузарлик шароити аниқлангунча уч суткагача ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ – давлатни бошқариш соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси. Маъмурий ҳуқуқ нормалари бошқарув аппаратини ташкил қилиш тартиби ва унинг фаолиятини, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳуқуқ давлат органларининг хўжалик тармоқларини бошқаришга, ижтимоий тартибни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва бошқаларга доир фаолиятини тартибга солади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик – ҳуқуқбузарликнинг бир тури. Маъмурий ҳуқуқбузарлик – қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриқонуний, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган айб (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) мавжуд бўлади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг субъекти ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтда ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолият вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатларнинг аҳамиятини идрок эта олмайдиган шахс (спиртли ичимлик ёки гиёҳвандлик моддалари таъсирида бўлиш бундан мустасно) маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

Маъмурий юрисдикциявий жараён – ижро этувчи ҳокимият органларининг турли субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш, шунингдек, маъмурий-процессуал шаклда амалга ошириладиган маъмурий ва интизомий мажбурлов чораларини қўллашга қаратилган фаолияти.

Маъмурий юстиция – маъмурий-ҳуқуқий жанжалларни ҳал қилишнинг алоҳида тартиби бўлиб, унда суд ёки бошқа давлат органлари давлат бошқарув органлари хатти-ҳаракати устидан шикоятларни кўриб чиқади ва бу органлар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади. Айрим хорижий давлатларда Маъмурий юстиция вазифасини умумий судлар (АҚШ, Буюк Британия ва бошқалар) ёки махсус маъмурий судлар (Франция, ГФР, Швейцария ва бошқалар) бажаради. Масалан, Францияда маъмурий судлар тизими – маъмурий трибуналлар мавжуд, адлия вазири бошчилик қиладиган Франция Давлат кенгаши Маъмурий юстициянинг олий орган ҳисобланади; маъмурий трибуналлар бошқарув органларининг ўз ваколатини ошириб юборганлиги, ўзлари учун белгиланган фаолият шаклини бузганлиги, мансабдор шахсларнинг ваколати доирасидан чиққанлиги тўғрисидаги ишларни, шунингдек мансабдорларнинг хизматда жойдан-жойга ўтказилиши, ишдан бўшатилишлари хусусидаги

шикоятлар ва шу кабиларни кўриб чиқади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Маъмурий юстицияни умумий юрисдикция судлари ҳам, ҳар хил турдаги маъмурий органлар ҳам амалга оширади.

Маъмурий-процессуал муносабатлар – жамиятда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг бир кўриниши, ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган аниқ субъектлар ўртасидаги юридик алоқалар. Маъмурий-процессуал муносабатлар унда иштирок этувчи субъектларнинг белгиланган хулқ-атворда бўлишини назарда тутди. Маъмурий-процессуал муносабатлар ҳамма вақт маъмурий-процессуал нормалар асосида вужудга келади. Ҳуқуқий норманинг мавжуд бўлиши ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиши учун етарли эмас, албатта. Ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиши учун ҳуқуқ субъекти (ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати) ва юридик фактларнинг (ҳаракат, ҳаракатсизлик, ҳодиса) мавжуд бўлиши ҳам талаб қилинади. Маъмурий-процессуал муносабатларни амалга ошириш, барча ҳуқуқий муносабатлар сингари, давлатнинг таъсир чоралари билан таъминланади. Улар турли-туман бўлиб, фақатгина мажбурлов чоралари билан чегараланмайди. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида вужудга келадиган аксарият маъмурий-процессуал муносабатларни амалга оширишда давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш зарурати мавжуд эмас.

Маъмурий-процессуал нормалар – ваколатли давлат органлари томонидан ўрнатилган, ижро этувчи ҳокимият органларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида яқка тартибдаги ва аниқ ишларни ҳал этиш бўйича вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари. Маъмурий-процессуал нормаларни турли асосларга кўра гуруҳларга бўлиш, яъни таснифлаш мумкин. Уларнинг барчаси умумий мақсадга – давлат бошқарувини амалга ошириш жараёнини ўрнатишга ва тартибга солишга қаратилгандир.

Маъмурий-ҳудудий бирлик – давлат ҳудудининг давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тузиладиган ва фаолият кўрсатадиган қисми. Маъмурий-ҳудудий бирлик алоҳида аҳоли пункти (шаҳар, шаҳарча)дан, аҳоли пунктининг бир қисми (шаҳардаги туман)дан, бир неча аҳоли пункти ва улар атрофидаги жойлар (туман, қишлоқ, овул)дан иборат бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирлигининг қуйидаги турлари мавжуд: 1) республика, вилоят аҳамиятидаги шаҳарлар – бевосита республика, вилоят таркибига кирувчи шаҳарлар; 2) туман

аҳамиятидаги шаҳарлар – қишлоқ туманлари таркибига кирувчи шаҳарлар; 3) қишлоқ жойлардаги туманлар; 4) шаҳарлардаги туманлар (шаҳар туманлари); 5) қишлоқ фуқаролар йиғинлари – қишлоқ жойлардаги 5–6 ва ундан ортиқ қишлоқни уларга туташ ҳудуд (далалар, яйловлар, ўрмонлар ва ҳ.к.) билан биргаликда ўз ичига олувчи маъмурий-ҳудудий бирлик; 6) ҳам туманлар, ҳам шаҳарлар таркибига кириши мумкин бўлган шаҳарчалар (посёлкалар).

Маъмурий-ҳуқуқий шакл – давлат бошқарувида ижро этувчи ҳокимият субъектлари томонидан амалга ошириладиган маълум бир ҳаракат. Маъмурий-ҳуқуқий шакл бошқарув фаолияти ва бошқарув таъсирининг мазмунини ёритади. Бошқарув шакллари ҳуқуқий мазмунга эга, яъни норматив-ҳуқуқий акт орқали ўрнатилади. Бошқарув органлари ва мансабдор шахслар ҳар бир ҳолатда аниқ бошқарув шаклини қўллайдилар. Бошқарув ҳаракатларининг у ёки бу шаклини танлаш эса, маълум бир қоидалар асосида амалга оширилади. Жумладан, улар мазкур орган (мансабдор шахс) компетенцияси (ваколат доираси)га, йўналишига (аҳамиятига), бошқарув фаолиятининг функциялари ва услубларига, ҳал қилинадиган масалалар хусусиятига, бошқарув таъсири мақсадларига, аниқ объект хусусиятларига мос келиши керак. Бошқарув шакллари тегишли бошқарув органи (мансабдор шахс) фаолияти доирасига кирувчи объектларгагина қўлланилиши мумкин. Бошқарув органлари ўз вазифа ва функцияларини амалга ошириш жараёнида турли маъмурий-ҳуқуқий шакллардан фойдаланадилар.

Маъмурий-ҳуқуқий шартнома – маъмурий-процессуал жараённинг бир тури. Маъмурий-ҳуқуқий шартнома ўзининг моддий қисми (мазмун)га эга. Маъмурий-ҳуқуқий шартномаларнинг мазмуни уларнинг хусусиятларида янада яққолроқ намоён бўлади. Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига мажбуриятлар (шартлар)ни назарда тутадиган ва оддий фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар доирасидан ташқари чиқадиган шартномаларни киритиш мумкин. Мазкур шартномаларда давлат ва жамият манфаатларини қондиришни назарда тутган давлат вазифаларини амалга ошириш ифодаланади.

Маънавий зарар – жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоб.

Меҳнат интизоми – корхона, муассаса ва ташкилотда ўрнатилган тартиб-қоидалар. Бундай тартиб-қоидалар ишни ташкил этиш ва муайян меҳнат вазифаларини амалга оширишни, асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозлар билан қандай муносабатда бўлишни, иш вақти режимига риоя қилишни, меҳнат муҳофазасига оид талабларни бажаришни, хуллас, иш жараёнидаги барча хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Меҳнат шартномаси – ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида, ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишув.

Меҳнатни муҳофаза қилиш – тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизими.

Меҳнат ҳуқуқи – мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқ соҳаси. Кенг маънода, меҳнат ҳуқуқи – меҳнат бозори фаолияти натижасида юзага келувчи, ёлланма меҳнатни қўллаш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш оқибатида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси.

Миллат цензи – конституция ёки сайлов қонунининг талаби, яъни сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун маълум миллатга мансуб бўлиш. Ҳозирги кунда миллат цензи ёрдамида сайлаш ҳуқуқини чеклаш деярли учрамайди, аммо шу асосда сайланиш ҳуқуқини чеклаш ҳолатлари учраб туради. Масалан, 1973 йилги Сурия Конституциясига кўра, фақат араб миллатига мансуб шахс шу давлат Президенти бўлиши мумкин. Туркменистон давлатининг 1992 йил 18 майда қабул қилинган Конституциясининг 55-моддасига кўра, фақат туркман миллатига мансуб бўлган шахс Президент этиб сайланади.

Миллий валюта – давлатнинг расмий пул бирлиги. Ўзбекистон Республикасининг расмий пул бирлиги сўм бўлиб, бошқа пул бирликларини чиқариш ва муомалага киритиш қатъиян ман этилган.

Миллий тенг ҳуқуқлилиқ – конституциявий принцип сифатида фуқароларнинг миллатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги.

Моддий жавобгарлик – меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариш муносабати билан бошқа тарафга етказган зарарини амалдаги қонунларга мувофиқ қоплаши.

Молия ҳуқуқи – молия ҳуқуқи марказий ва маҳаллий давлат идораларининг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлган, яъни пул фондларини (молиявий ресурсларни) шакллантириш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуи.

Молиявий муносабат – ижтимоий-иқтисодий муносабатнинг бир тури бўлиб, у давлатнинг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг бир қисмини ажратиб олиш, тўплаш ҳамда сарфланиши жараёнида бошқа давлат ва жамоат идоралари, юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган алоқаларини қонунчилиқ воситасида, бир томонламалиқ ва нотенглиқ асосида тартибга солиниши.

Молиявий назорат – пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш, улардан фойдаланиш юзасидан давлат ва маҳаллий ҳокимият субъектлари амалга ошираётган ҳаракатларнинг қонунийлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги устидан мамлакатнинг, унинг айрим минтақаларининг самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат.

Муассаса – Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунларига кўра, мулкдор бошқарув, ижтимоий-маданий ёки бошқа нотижорат функцияларини амалга ошириш учун тузган ва ўзи тўла ёки қисман молиялаштирадиган ташкилот. Муассасанинг унга бириктирилган мулкка бўлган ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг оператив бошқарув ҳуқуқи тўғрисидаги нормаларига мувофиқ белгиланади. Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфида бўлган пул маблағлари билан жавоб беради. Бундай маблағлар етишмаган тақдирда тегишли мулк эгаси унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликка эга бўлади. Давлат муассасалари ва бошқа айрим муассасалар ҳуқуқий мақомидаги хусусиятлар қонунда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади.

Мулк ҳуқуқи – шахснинг ўзига қаршли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалиқ қилиш, ундан фойдаланиш

ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Мулкий зарар – содир этилган жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) оқибатида жабрланувчига тегишли бўлган мулкка, мулкий ҳуқуқларига етказилган моддий, иқтисодий зарар.

Муомала лаёқати – фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати). Муомала лаёқати фуқаро вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади. Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади. Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади. Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Муомалага лаёқатсизлик – жисмоний шахснинг ёши ёки руҳий ҳолатига кўра ўз ҳаракатлари билан юридик ҳуқуқларни эгаллаш, ўз зиммасига мажбуриятлар олиш қобилиятига эга эмаслиги. Сайлов ҳуқуқида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг сайловда иштирок эта олмаслиги (ёки сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмаслиги).

Мураккаб айбли жиноят – шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

Мурожаат этиш ҳуқуқи – жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирор-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас. Мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак. Хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар

Ўзбекистон Республикаси давлат органларига ушбу Қонунга мувофиқ муурожаат этиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонуни, 3-моддаси).

Мутахассис – терговчи (судья) томонидан далилларни тўплаш, текшириш, баҳолаш ва улардан фойдаланишга кўмаклашиш учун тергов ҳаракатларига жалб этиладиган, маълум соҳа бўйича билимга эга шахс.

Мухр (штамп) – ҳужжатларни расмийлаштиришда ишлатиладиган махсус шакл. Мухр (штамп)ларнинг акси деярли барча ҳужжатларнинг реквизитлари ҳисобланади ва ушбу ҳужжатларда баён этилган фактик ҳолатларни тасдиқлаш учун хизмат қилади. Мўлжалланган мақсадига кўра мухрлар гербли ва оддий мухрларга бўлинади. Мухрлар турли технологиялар ёрдамида, турли материаллардан фойдаланиб тайёрланиши мумкин. Гербли мухрлар думалок, оддий мухрлар думалок, учбурчак шаклларда бўлиши мумкин. Штамплар турлича шаклларда (тўртбурчак, тўғритўртбурчак, олтибурчак ва ҳоказо) бўлади. Мухр ва штампларга шакли, ўлчамлари ва уларда тегишли матн (ёзув)ларнинг жойлашишига қараб бир қатор талаблар қўйилади. Масалан, доирасимон шаклдаги оддий ёки гербли, бир тилда ёзилган матнли мухрларнинг ташқи диаметри – 48–40 мм, икки тилда ёзилган матнли мухрларнинг ташқи диаметри – 40–45 мм бўлиши лозим.

– Н –

Назорат – (бошқариш, идора қилиш) бирор ишнинг, нарсанинг ҳолати, бориши, кишининг юриш-туриши ва шу кабилар устидан доимо кузатиш, текшириш; шундай иш олиб борувчи муассаса, бўлим, инспекция.

Назоратсиз – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган.

Натурализация (инг. naturalization – тибий ҳуқуқни олиш) – ихтиёрий акт бўлиб, манфаатдор шахснинг илтимосига кўра яқка тартибда фуқароликка қабул қилиш.

Негатор даъво – мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши.

Нетто (итал. netto; ингл. net, net weight – тоза, аниқ) – 1) товарнинг ўраш-қадоқлаш қоғозларисиз аниқ оғирлиги; 2) товарни ортиқча харажатлари олиб ташланиб, аниқ қўйилган нархи; 3) харажатлардан ташқари олинган соф фойда.

Никоҳ (араб. қўшилиш) – эркак ва аёлнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида тузиладиган эркин иттифоқ.

Никоҳ шартномаси – никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёки никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи ихтиёрий келишув. Никоҳ шартномаси тузилаётганда унинг тарафлари фақат никоҳга кирувчилар ва никоҳдаги эр-хотин мумкин. Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Номенклатура (лот. nomenclatura – рўйхат, санок; calave – чақирик, чақирмоқ; инг. nomenclature) – 1) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материал ёки асбоб-ускуналарнинг ҳар бирининг номи ёзилган сонлар, ҳисоб-китоб рўйхати; 2) маълум шахсларни тегишли мансабга тайинлаш учун юқори органлар томонидан тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатлар.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат.

– О –

Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий

меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эркисиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Одам савдосига қарши курашиш – одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият.

Одорология (лот. *odor* – ҳид ва юн. *logos* – сўз, таълим) – криминалистикада изкувар (ҳид сезувчи) итларнинг ҳид билиш қобилияти ёрдамида жиноят содир этиш жойида бўлган ва ўзининг ҳиди ҳақида ахборот қолдирган шахслар, шунингдек, буюмлар, излар, нарсаларни аниқлаш ҳақидаги таълимот.

Огоҳлантириш – тарбиялаш мақсадида амалга ошириладиган таъсир чораси. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасига кўра, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хулосага келса, иш ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 308¹-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

Оила ҳуқуқи – ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, асосан икки жинс, эркак ва аёл ўртасида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, эр-хотиннинг мулкӣй характерда бўлган, шунингдек мулкӣй характерда бўлмаган шахсий муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳнинг тугатилиши ва унинг ҳақиқӣй ҳисобланмаслик оқибатлари, асослари ва тартиби, қон-қариндошлик ва фарзандларнинг насл-насабини белгилаш қоидалари, ота-оналар ҳамда фарзандларнинг шахсий номулкӣй ва мулкӣй ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик белгилаш қоидалари ва шу каби бошқа бир қатор муносабатларни тартибга солади.

Оилавий низо – психологик ва ижтимоий кескинлашган вазият бўлиб, оиладагилар (биринчи галда эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, эр-хотинлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида, камдан-кам ҳолда қариндошлар) ўртасида юзага келади. Оила тузилмаси турли ёшдаги ва жинсдаги кишиларни бирлаштиради ва низо чиқиши эҳтимоли мавжуд бўлади. Кескинлашаётган зиддиятга (эр-хотинлар ўрта-

сидаги муносабатлар) бир-бирини тушунмаслик (ёки ҳатто тушунишга ҳаракат қилмаслик) сабаб бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, умр йўлдошларидан ҳар бири қандай ўринда бўлиши ва бунга руҳан тайёрлиги қандайлигини тушунмаслик сабаб бўлади. Болалар ва оналар ўртасидаги низо болаларнинг катталар таъсиридан қутулишга интилиши, шунингдек, ўзини ёлғиз ҳис этиш, оилада ортиқчалигини тушуниб етиш билан ҳам боғлиқ. Оилавий низо ижтимоий ходимлар томонидан алоҳида эътибор ва назоратни ҳамда мутахассислар – психолог, юрист, врачлар аралашувини талаб қилади.

Омбудсман (швед. ombudsman – бирор киши муносабатларининг вакили) – баъзи мамлакатларда парламент томонидан махсус сайланган (тайинланган), давлат органлари ҳаракатларининг қонунийлиги ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кузатувчи мансабдор шахс.

Оммавий тартибсизликлар (жиноят) – қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликлар ташкил қилиш, шунингдек, оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш.

Оппозиция (лот. oppositio – қаршисига қўйиш, таққослаб кўриш) – нимагадир ёки кимгадир қарши ҳаракат. Сиёсатда: 1) ўз сиёсатини бошқа, одатда, расмий сиёсатга қарши қўйиш; 2) қонун чиқарувчи, мафкуравий ёки бошқа тизимлардаги ҳукмрон ёки кўпчилик тан олган фикрга қарши чиқиш. Оппозицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд: мўътадил, радикал, лоял (келишувга ва ҳокимиятни қўллаб-қувватлашга тайёр), конструктив (сермазмун, ишбилармон таклифларни ифодаловчи), деструктив (қўпоровчи).

Оптация (лот. optatia – хоҳиш, танлов) – бир давлатдан бошқа давлатга ўтувчи ҳудуд аҳолисига берилган танлаш ҳуқуқи. Оптация конституциявий ва халқаро ҳуқуқда ҳудудий ўзгаришлар билан боғлиқ тарзда фуқароликни олиш ёки тугатиш усули. У ҳар доим ҳам фуқароликка эга бўлиш йўли сифатида кўрилмайди. Масалан, икки фуқаролик тўғрисидаги конвенцияларда оптация имкониятлари кўзда тутилади.

Оқлов ҳукми – жиноят ходисаси аниқланмаган, судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаган, шунингдек судланувчининг

жиноят содир этишда иштирок этганлиги исботланмаган тақдирда чиқариладиган ҳал қилув қарори.

Оғзаки портрет – одам ташқи қиёфасини тизимлаштирилган ва илмий асосланган методика билан, махсус, стандартлаштирилган атамалар ёрдамида таърифлаш.

Оғзаки таъриф – одам ташқи қиёфасини тасвирлаш, жиноятчиларни қидириш, шахсларни айнанлигини аниқлашда жуда кенг қўлланиладиган усул. Бу усулда одам ташқи қиёфаси махсус қабул қилинган атамалар ёрдамида таърифланади.

– II –

Парламент назорати – халқ оммаси иродасига таянадиган демократик давлат бошқарувининг муҳим белгиси. Парламент назорати давлат назоратининг муҳим шакли бўлиб, мазкур назорат ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек парламентга ҳисобдор ёки ушбу орган шакллантирган давлат идораларининг фаолияти устидан олиб борилади. Парламент назорати – Олий Мажлис палаталари томонидан қонунларнинг ижроси ва унга амал қилиниши, шунингдек уларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши устидан, қолаверса қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида олиб бориладиган фаолият.

Парламент фракцияси – парламентдаги депутатлар бирлашмаларининг турларидан бири (бошқа бир тури – депутатлар гуруҳи). Бир партия, ҳаракатга мансуб депутатлар бирлашмаси. Улар пропорционал сайлов тизимида асосан партия (ҳаракат) рўйхатига кўра сайланган ёки ҳудудий сайлов округлари бўйича партия (ҳаракат) томонидан киритилган ва мажоритар сайлов тизимида асосан сайланган бўлади.

Пневматик қурол – нишонни сиқилган ёки суюлтирилган газнинг энергияси ёрдамида йўналишли ҳаракат оладиган ўқ ёрдамида жароҳатлайдиган, ствол оғзи энергияси 3 жоулдан юқори бўлган қурол. Объект, агар ундан отилишида снаряд нишонни жароҳатлаш учун етарли бўлган тезланиш (снаряднинг учиш бошланғич тезлиги, ствол оғзи энергияси) олган бўлса, пневматик қурол деб ҳисобланиши мумкин. Калибридан қатъи назар, ствол оғзи энергияси 0,5 дан 3 жоулгача бўлган пневматик винтовка, тўппонча ва револьверлар пневматик қурол ҳисобланмайди. Бундай қуроллар, улар тузилишига кўра пневматик қуролга ўхшаш маҳсулотлар ҳисобланади.

Порнографик маҳсулот – бадий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёхуд одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатишган жинсий алоқанинг тавсифини ёхуд фото, видео тасвирини ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва нарсалар.

Прекурсорлар – БМТнинг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»ги 1988 йилги Конвенциясига илованинг I ва II жадвалларига киритилган ҳар қандай модда. Шунингдек, прекурсорлар – прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар.

Принцип – (лот. *principium* – ибтидо, асос) – ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи, унинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи фундаментал ҳуқуқий категория.

Прозелитизм (юнон. *prozilitos* – ўз ўрнини топиш) – бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этиш. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ман этилади.

Прокуратура – давлат тизимидаги мавжуд жинойт ишларини кўзгатувчи, айбловчи ва суд жараёнида давлат номидан айблов олиб бориш, қонунларга аниқ ва бир хилда риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган орган.

Прокурор – (лот. *pro-curo* – ғамхўрлик қилмоқ, парваришламоқ, асраб-авайламоқ, таъминламоқ) – прокуратура органларнинг масъул мансабдор шахси.

Профилактика инспектори – алоҳида маъмурий ҳудудларга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида бириктирилган ички ишлар органларининг профилактика хизмати ходими. Профилактика инспекторлари фаолияти 1999 йилдан Тошкент шаҳрида, 2001 йилдан Республика миқёсида йўлга қўйилди.

Профилактика суҳбати – Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига асосан амалга ошириладиган шахсни жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-

атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайри-ижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлган яқка тартибдаги профилактика тури.

Профилактик ҳисоб – Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари комплекси, яқка тартибдаги профилактиканинг бир тури.

Психотроп моддалар (юнон. *arsyche* – руҳият, *troros* – йўналиш) – одам руҳиятига мувофиқлаштирувчи ёки уйғотувчи таъсир кўрсатиш хусусиятига эга табиий ҳамда синтетик воситалар. БМТнинг «Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий ёки синтетик модда ёхуд ҳар қандай табиий материал. Психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Пул – иқтисодий тушунча. Пул товар олаmidан стихияли тарзда ажралиб чиққан ўзига хос товар, у барча товарлар учун муқобил ўлчов бирлиги, уларнинг алмашув қийматининг "тоза" ҳолдаги кўриниши.

– Р –

Растрата (жиноят) – айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда, ўзининг шахсий манфаатлари йўлида қайтариш имкониятисиз сарфлаб юбориши ёки ўзидан бегоналаштириши.

Расмий огоҳлантириш – Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига асосан амалга ошириладиган шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлган яқка тартибдаги профилактика тури.

Ратификация (лот. *ratification*, *ratus* – тасдиқланган + *facio* – бажараман) **қилиш** – давлат томонидан шартноманинг мажбурийли-

гига розилик белгиси сифатида уни тасдиқлаш акти. Ратификация қилиш тартиби ички миллий ҳуқуқда белгилаб қўйилади.

Реабилитация – (лот. *rehabilitatio*, *re* – яна, + *habilitas/ habilitatis* – яроқлилиқ, лаёқатлилиқ) фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва фуқаролиқ ҳуқуқларини суд ёки маъмурий тартибда қайта тиклаш, давлат томонидан унга нисбатан ноҳақ қўлланилган мажбурлов чоралари ёки унинг ҳуқуқи ва эркинлиқларини бошқа тарзда чеклашнинг оқибатларини бартараф қилиш, кенг маънода, фуқароларнинг номи ва мавқеининг оқланиши.

Реадмиссия (инг. *to readmit* – ортга қабул қилиш) – давлатнинг бошқа давлат ҳудудида ноқонуний бўлган ва депортация қилинаётган (маъмурий тартибда чиқариб юборилаётган) ўз фуқароларини (айрим ҳоллар шу давлатда муқаддам доимий яшаган чет эл фуқароларини) қайтариб олишига розилиги.

Регламент (лот. *regula* – норма, қоида, *regere* – ҳукмронлиқ қилиш, бошқариш) – 1. Вакиллик органларининг мажлис, йиғилиш, сессия ва съездларни олиб бориш тартиби. 2. Палата ёки бир палатали парламент фаолиятининг ички ташкил этилиши ва шаклларини тартибга солувчи (доимий ёки муваққат) қоидалар тўплами, шунингдек, депутатнинг ҳуқуқий ҳолати. Қоидаларни палаталар конституциялар, конституциявий ва органик қонунларда бор бўлган принциплар ва бошқа кўрсатмаларга мувофиқ қабул қилади. Палаталарда одатда регламентга риоя қилинишини назорат қилувчи махсус кўмиталар тузилади. 3. Ҳукумат ишининг ички ташкил этилиши ва тартибини мувофиқлаштирувчи қоидалар тўплами. 4. Франция, Италия ва айрим бошқа давлатларда регламентар ҳокимиятни амалга ошириш тартибида ҳукуматлар қабул қиладиган ҳужжатлар номи. Регламент олий давлат органларининг ички фаолият тартибини белгилаб берувчи қоидалар мажмуи.

Рецидив жиноят – шахснинг илгари қасдан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасдан янги жиноят содир этиши. Содир этилган жиноят рецидив жиноят бўлиши учун илгари судланган жинояти учун судланганлик муддати тугамаган ёки олиб ташланмаган бўлиши лозим. Рецидив жиноят қилмишга жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Русум белгилари – заводда ёки усталар томонидан тайёрланган совуқ қуролларни бошқа қуроллардан фарқлаш, қаерда тайёрланганлигини маълум қилиш учун уларга қўйилган белгилар, ёзувлар, суратлар ва ҳоказо. Уларнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланади:

маъноси, жойлашиши, қўлбола усулда тайёрланган куруллардаги турли белги ва ёзувлар; расмлари, нақшлар ёки бошқа безаклар.

– С –

Сайлов – давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқаларни ташкил этиш, уларни аҳоли ёки бошқа орган томонидан сайлаш усули. Кўпроқ «сайлов» тушунчаси давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг депутатлари ва мансабдор шахсларини сайлашга нисбатан қўлланилади.

Сайловлар қуйидагича бўлиши мумкин: *тўғридан-тўғри сайлов* – депутатлар ёки сайланадиган мансабдор шахслар бевосита аҳоли томонидан сайланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри сайлов ҳисобланади. *билвосита сайлов* – аҳоли сайлашга вакил қилинганларни сайлайди, улар эса тегишли шахсларни сайлайди. Масалан, АҚШда сайловчилар сайлашга вакил қилинганларни сайлайди, булар эса АҚШ Президентини сайлайди. Ҳиндистон парламенти Штатлар Кенгаши – юқори палатаси аъзоларининг аксарияти штатлар ва иттифоқдош ҳудудлар қонунчилик мажлисларининг аъзолари томонидан сайланади.

Сайлов бюллетени – сайлов бирлашмаларининг номлари (партия, ҳаракатлар) ёки депутатликка номзодларнинг фамилиялари, кўрсатилган ёхуд маълум бир шахсларни мансаб лавозимига сайлашда номзод қилиб кўрсатилган кишининг фамилияси кўрсатилган расмий ҳужжат (бланк). Сайловлар тўғрисидаги қонунчилик сайлов бюллетени ва мазмунига ўз талабларини қўяди.

Сайлов округи – маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ёки давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бир, икки ёки ундан ортиқ депутатлар сайланиши керак бўлган давлат, федерация субъекти ҳудудининг ёки маъмурий-ҳудудий бирликнинг бир қисми. Демак, сайлов округи доимо маълум бир ҳудуд билан боғлиқ бўлиб, у ҳудудий сайлов округи деб номланади. Агар ҳудудий сайлов округи бўйича бир депутат сайланадиган бўлса, бундай сайлов округи бир мандатли ёки униноминал сайлов округи деб юритилади. Агар ҳудудий сайлов округидан икки депутат сайланадиган бўлса, бундай сайлов округлари икки мандатли ёки биноминал сайлов округи деб номла-

нади. Агар ҳудудий сайлов округларидан уч ёки ундан ортиқ депутатлар сайланса, бундай сайлов округлари кўп мандатли ёхуд полиноминал сайлов округлари деб номланади.

Сайлов ҳуқуқи – депутатларни вакиллик органига ва мансабдор шахсларни давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш тартиби тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Сайлов ҳуқуқи асосида сайлов комиссияси ташкил этилади ва ўтказилади, сайлов ҳуқуқи асосида вужудга келган ижтимоий муносабатлар сайлов ҳуқуқий муносабатлари ҳисобланади. Сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича чиқарилган норматив-ҳуқуқий актлар сайлов ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади. Сайлов ҳуқуқи асосини давлатнинг конституциявий нормалари ташкил этади. Ундан ташқари, сайловлар бўйича махсус сайлов қонунлари (бир қатор мамлакатларда сайлов кодекслар) ва бошқа норматив актлар қабул қилинади.

Сайлов цензлари – фаол ва пасив сайлов ҳуқуқини амалга ошириш учун ўрнатилган чеклашлар ва шартлар тизими. Цензлар турли хилда бўлиши мумкин: жинсига оид (аёлларга сайлов ҳуқуқи бериш ёки бермаслик); маълум бир ёшга етганда фуқароларга сайлов ҳуқуқини бериш; социал (табақали) ва мулкӣ (бир қатор кишиларнинг даромади паст бўлганлиги сабабли сайловда иштирок эта олмаслиги); маълумотга оид (маълумот даражаси); ўтроқлик (мазкур ҳудудда доимо ёки маълум муддатда яшаши); фуқаролиги (сайлаш ҳуқуқи фақат шу ҳудудда яшовчиларга берилиши, бошқаларга рад этилиши) ва ҳоказо.

Сайловчилар рўйхати – сайлов иштирокчилари – сайлов ҳуқуқига эга вояга етган фуқаролар рўйхати. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Сайлов рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди.

Сайлов тизими – 1) давлатдаги депутатларни ёки мансабдор шахсларни вакиллик органларига сайлаш тартиби. Сайлов тизими юридик қоидалар йиғиндиси (сайлов ҳуқуқи) ва сайлов ўтказилаётган пайтда мавжуд урф-одатларни ўзида қамраб олади; 2) «сайлов тизими» тунунчаси, шунингдек у ёки бу мамлакатларда қўлланиладиган сайлов-

ларни ташкил этиш ва ўтказиш моделини ҳам билдиради. Масалан, мажоритар сайлов тизими, пропорционал сайлов тизими ва ҳоказо.

Сервитут – (лот. *servitus*) – ўзганинг кўчмас мулки (ер участкаси, бошқа кўчмас мулки)дан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи. Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (С) – кўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи.

Совуқ қурол – бевосита ҳаёт учун хавфли бўлган, ҳужумда ва ҳимояда тан жароҳати етказиш мақсадида махсус тайёрланган, жароҳат етказишда инсон мускуллари, сиқилган пружина ёки тортилган камон тори кучидан фойдаланиладиган, бевосита ишлаб чиқаришда, хўжалик-турмушда ва бошқа махсус ишларда ишлатиш учун эмас, балки ҳужум қилиш ва фаол ҳимояланиш учун мўлжалланган чопувчи, кесувчи, санчувчи, чопувчи-санчувчи, чопувчи-кесувчи, кесувчи-санчувчи, чопувчи-кесувчи-санчувчи, урувчи-мажақловчи мураккаб-лаштирилган воситалар. Масалан, қилич, найза, гурзи ва ҳоказо.

Солиқ – юридик шахслар ва фуқаролардан олинадиган мажбурий тўлов. Солиқ кенгроқ таърифланадиган бўлса, давлат ҳокимияти идоралари томонидан белгиланган миқдор ва муддатларда бюджет тизимларига ўтказилиши лозимлиги белгиланган мажбурий ва юридик шаклига кўра яқка тартибдаги, лекин юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тўловлардир.

Солиқ имтиёзлари – Солиқ кодексида, шунингдек бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шарти билан берилиши мумкин. Бундай маблағлардан

белгиланмаган мақсадда фойдаланилган тақдирда, белгиланмаган мақсадда фойдаланилган сумма ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундириб олинади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бош бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг муассасалари Солиқ кодексида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинади, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

Солиқ сиёсати – давлатнинг аввалдан мўлжалланган солиқ борасидаги принциплари, қонуни, фармон ва қарорларини тайёрлаш ва уларнинг ижросини ташкил этишдаги чора-тадбирлар ва фаолиятлар йиғиндиси.

Солиқ ставкаси – солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдор. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари, агар Солиқ кодексида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Солиқ тизими – моҳияти жиҳатидан бир хил бўлган ва марказлашган пул фондига тушадиган солиқ турларининг йиғиндиси.

Солиқдан ташқари тўловлар – 1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар: ягона ижтимоий тўлов; фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари; бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар; 2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар: Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар; Республика йўл жамғармасига йиғимлар; 21) бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар; 3) давлат божи; 4) божхона тўловлари; 5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Сочма ўқ – кўрғошиндан ясалган золдир, диаметри 1,5 мм дан 5,0 мм гача бўлиши мумкин. Диаметри 5,0 мм дан катта бўлган сочма ўқ картеч (питра) деб аталади. Стандарт сочма ўқ ёки картеч (питра)ларга мустаҳкамлигини ошириш учун сурма қўшилади. Қўлбола усулда ясалган сочма ўқларда сурма бўлмайди. Сочма ўқ ёки картеч (питра)ларнинг қуйидаги турлари мавжуд: ОМ – юмшоқ, ов сочма ўқи; ОТ – қаттиқ, ов сочма ўқи; СТ – қаттиқ, спорт сочма ўқи; КО – ов картеч (питра)и.

Сохта никоҳ – никоҳ қуришни мақсад қилмай бошқа мақсадни кўзлаб тузилган никоҳ. Сохта никоҳ орқали эришилган, қўлга кирилган ҳуқуқлар, имтиёзлар ҳам никоҳ ҳақиқий эмас деб топилгандан бошлаб бекор бўлади.

Спикер (инг. speaker – нотик) – парламент ёки унинг палатаси раисининг номи. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасини Спикер бошқаради.

Стандарт қурол – стандарт, яъни бирор миллатнинг анъанавий қуроллари намуналари ва ҳарбий кўшинларда қабул қилинган тарихий нусхаларига мос келувчи қурол.

Субвенция (лот. subvenire – ёрдамга келиш) – муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қўйи турувчи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Субсидия (лот. subsidium – ёрдам, қўллаб қувватлаш) – товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган пул маблағлари.

Субъектив портрет – одамнинг танаси, юзини шоҳидлар ёки гувоҳларнинг ушбу шахснинг ташқи қиёфаси ҳақидаги тасаввурларига мос ҳолда тайёрланган тасвири. Субъектив портрет хаёлий тасвирнинг ташувчиси томонидан ёки унинг кўрсатмаларига асосан оператив ходимлар, терговчилар, мутахассис-криминалист ёки рассомлар томонидан тайёрланиши (тузилиши) мумкин.

Суд (тушунчаси, турлари) – зиммасига давлат ҳокимиятининг бўғинларидан бири – *суд ҳокимиятини* амалга ошириш ваколати юкланган орган. Суд қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро этувчи органлардан уни шакллантириш, судьяларга ваколатлар бериш тартиби, тегишли ишларни кўриб чиқиш тартиб-таомилларининг хусусиятлари, шунингдек қабул қилинувчи қарорларнинг мажбурийлиги ва масъулияти, уларнинг юридик аҳамияти билан фарқ қилади. «Суд» атамаси суд ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган нодавлат тузилмаларини номлаш учун ҳам жуда кўп қўлланилади (*ҳакамлар суди, Халқаро тижорат арбитраж суди* ва ҳ.к.).

Суд баллистикаси – криминалистик техника, ўқотар қуроллар, уларнинг патронлари, қисм ва механизмлари ҳамда таркибий қисмлари, ўқотар қуроллар ва патронларнинг ишлатиш излари бўйича маълумотларнинг акс этиши ва уларни олиш қонуниятларини ўргана-

диган, жиноятларни очиш ва тергов қилиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида юқорида санаб ўтилган объектларни аниқлаш, қайд этиш, олиш, сақлаш ва тадқиқот қилиш учун техник усуллар, восита ва методлар ишлаб чиқадиган соҳа.

Суд ваколоти – Ўзбекистон Республикаси номидан жиноят ишларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун берилган, жиноят-процессуал қонунчилик билан белгиланган ҳуқуқлар мажмуи.

Суд жарималари – процессуал бурчларини ёки суд мажлисидаги тартибни бузган шахсларга, қонунда кўрсатилган ҳолларда, пул билан белгиланган процессуал таъсир этиш чораси.

Суд ижрочиси – суднинг ҳал қилув қарорлари ва бошқа ҳужжатларни мажбурий тартибда ижро этилишини амалга оширувчи мансабдор шахс.

Судланганлик – шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат. Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан шахс судланган ҳисобланади. Судланганлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Судловга тегишлилик – муайян суднинг ёки муайян бўғин ёхуд даражадаги судларнинг бирор-бир тоифадаги жиноят ишини биринчи инстанция суди тариқасида кўриб чиқиш ваколоти.

Суд мажлиси котиби – суд мажлисида баённома юритиш ҳамда барча процессуал ҳаракатларни қайд этиб бориш, шунингдек, ишни судга тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий-техник вазифаларни ҳал қилиш учун масъул бўлган жиноят ишлари бўйича суд мажлисининг зарур иштирокчиси.

Суд муҳокамаси – жиноят процессининг дастлабки тергов ва ишни судда кўриш учун тайинлашдан кейин келувчи босқичи. Фақат суд муҳокамаси натижасидагина судланувчи жиноят содир этганликда айбдор деб тан олинishi ва унга жиноий жазо тайинланиши ёки у айбсиз деб тан олинishi ва оқланиши мумкин.

Суд тергови – суд муҳокамасининг марказий қисми. Унда суд жиноят процесси принципларининг тўлиқ амалга оширилиши

шароитида жиноятнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш мақсадида барча далилларни текширади.

Суд тизими – судларнинг ваколатлари ҳамда улар олдига қўйилган вазифалар ва мақсадларга қараб тузилган судлар мажмуи. Суд тизимига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди; Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий судлар; Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят хўжалик судлари.

Судья – Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунинг 60-моддасига мувофиқ, судья – қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахс.

Суд эксперти – хулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайинланган жисмоний шахс.

Суд экспертизаси – фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат.

Суд қарорларини ижро этиш – қонуний кучга кирган суд қарорларининг барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қонунларда белгиланган тартибда ижро этилиши.

Суд ҳокимияти – давлат ҳокимияти бўғини. Суд ҳокимиятининг муҳим хусусияти шундан иборатки, у фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва «Судлар тўғрисида»ги қонунида мустаҳкамланган суд тизими таркибига кирувчи давлат судлари томонидан амалга оширилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа қонунларда суд ҳокимиятининг мазмунини ташкил этувчи ваколатларга қуйидагилар киритилган: конституциявий назорат; одил судлов; давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги ва асосланганлиги устидан назорат; ҳукмлар ва бошқа суд қарорларининг мувофиқ тарзда ижро этилишини таъминлашда иштирок этиш; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материаллар (ишлар)ни кўриб чиқиш

ва ҳал қилиш; амалдаги қонун ҳужжатларини суд амалиёти масалалари юзасидан тушунтириш; судьялар корпусини тузишда иштирок этиш ва судьялар ҳамжамияти органларига кўмаклашиш.

Сунъий элементлар – одамда ўз ташқи қиёфасини ихтиёрий ёки беихтиёр ўзгартириши (турли жароҳатлар, косметик таъсирлар, пластик операциялар ва ҳоказолар) натижасида пайдо бўлган элементлар.

Суғурта – юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Суғурта агенти – суғурталовчининг номидан, унинг топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурта брокери – суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.

– Т –

Табий элементлар – одамдаги туғма ёки ёши ўтиши билан пайдо бўладиган элементлар.

Такрорий экспертиза – совуқ қурооллар бўйича бирламчи экспертиза олдиға қўйилган саволларға қисман жавоб берилганда ёки умуман жавоб берилмаганда, бирламчи экспертизада шубҳали ёки илмий асосланмаган хулоса берилганда қайтадан ўтказиладиган совуқ қурооллар экспертизаси.

Тамаки маҳсулоти – тамакидан ёки унинг ўрнини босувчи нарсадан тайёрланган ҳар қандай маҳсулот.

Тамакиға қарамлик – тамаки маҳсулотига патологик ружу қўйиш, никотиндан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (никотинға қарамлик).

Тамом бўлган жиноят – аниқ жиноят таркибининг барча зарур аломатларини ўз ичига оладиган ижтимоий хавфли қилмиш.

Тамом бўлмаган жиноят – қасддан жиноят бошланиб, шахсға боғлиқ бўлмаган ҳолатларға кўра охириға етказилмай қолган ижтимоий хавфли қилмиш.

Таржимон – жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишда ёрдамчи, яъни ташкилий-техник функцияларни бажарувчи шахслардан бири. Хусусан, таржимон гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса, шунингдек қар ёки соқов бўлса, жалб қилинади.

Татуировка (фран. tatouer – одам терисидаги расм) – одам танасидаги турли ёки бир хил рангдаги сўзлар, иборалар, расмлар, турли белгилар, рақамлар ва ҳоказолар кўринишидаги сурат.

Ташқи қиёфа белгиси – одам ташқи қиёфасининг яхлит ҳолдаги ёки унинг айрим алоҳида элементларини ифодалайдиган сезиладиган (кўринадиган, эътиборни тортадиган) тавсифи.

Ташкилотчи (жиноят) – жиноятга тайёргарлик кўришга ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс. Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлари учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар.

Тезкор-қидирув тадбирлари – Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ИИВнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни фош этиш ва жиноятчиларни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган ва “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган 16 та тезкор-қидирув тадбирлари. Булар: 1. Сўров. 2. Маълумотлар тўплаш. 3. Қиёсий текшириш учун намуналар йиғиш. 4. Текшириш учун харид қилиш. 5. Назорат остида олиш. 6. Предметлар ва ҳужжатларни текшириш. 7. Тезкор кузатув. 8. Шахснинг айнанлигини аниқлаш. 9. Турар жойларни ва бошқа жойлар, бинолар, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш. 10. Почта жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш. 11. Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш. 12. Алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш. 13. Тезкор кириштиш. 14. Назорат остида етказиб бериш. 15. Ниқобланган операциялар. 16. Тезкор эксперимент.

Тезкор-профилактик тадбирлар – Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ИИВнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг алоҳида турларини олдини олиш,

унинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирлар.

Тезкор-қидирув фаолияти – “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият тури.

Текширилаётган объект – ўрганилаётган ҳодисага алоқадор деб топилган ва совуқ қуролларнинг криминалистик тадқиқотлари ўтказиладиганда таҳлил этилаётган объект.

Тергов ҳаракатлари – суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ амалга оширадиган, жиноят ишининг ҳолатларини аниқлаш учун аҳамиятга эга фактик маълумотларни топиш, текшириш ва қайд этишга қаратилган процессуал ҳаракатлар. Тергов ҳаракатларига қуйидагилар киради: сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент, олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, экспертиза, экспертиза тадқиқоти учун намуналар олиш, нарсалар ва ҳужжатларни тақдим этиш, ишга нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далиллар сифатида қўшиб қўйиш.

Терговга қадар текширув – ички ишлар органлари томонидан жиноят ва ҳодисаларга оид ариза ва хабарлар асосида амалга ошириладиган текширув. Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза ва хабарлар ваколатли мансабдор шахслар томонидан ўрганилиб, текширилади, агар жиноят аломатлари мавжуд бўлса, жиноят иши қўзғатилади, акс ҳолда жиноят ишини қўзғатиш рад этилди. Терговга қадар текширув муддати ўн сутка, алоҳида ҳолларда прокурорнинг рухсати билан терговчининг асослантирилган илтимосномасига асосан ўттиз суткагача узайтирилиши мумкин. Бу ерда терговга қадар текширув босқичини суриштирув босқичи билан адаштириш керак эмас, суриштирув босқичи жиноят ишини қўзғатишдан бошланади, муддати ўн сутка, суриштирув муддатини бошқа узайтиришга йўл қўйилмайди.

Терговга тегишлилик – дастлабки терговни олиб борувчи органларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган жиноятларни тергов қилиш учун тергов органлари ўртасидаги тақсимот.

Терговчи – дастлабки тергов босқичида қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноят содир этган ҳар бир шахснинг жазосиз қолмаслиги ва бирорта айбсиз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги учун қонунни тўғри қўллашга масъул бўлган жиноят процесси иштирокчиси.

Тери нақшлари – папилляр чизиқлар ва уларни ажратиб турувчи чуқурчалар бирлашишидан вужудга келган, турли шакл ва мураккабликка эга бўлган суратлар. Тери нақшларининг бармоқ нақшлари (бармоқларнинг асосий, ўрта ва тирноқ фалангаларидаги нақшлар), қўл кафти нақшлари ва оёқ кафти нақшлари каби турлари мавжуд. Тери нақшлари тузилишига кўра юқори оқим, қуйи оқим, марказий сурат (қисм ва нақшнинг делтаси) каби қисмларга бўлинади.

Терроризм (лотин. terror – қўрқинч, даҳшат) – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирор-бир ҳаракат содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик ишлатиш, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар.

Террорчи – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс.

Террорчилик гуруҳи – олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гуруҳи.

Террорчилик ташкилоти – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви.

Террорчиликка қарши операция – террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш, шунингдек жисмоний шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда террорчиларни зарарсизлантиришга қаратилган, келишилган ва ўзаро боғлиқ махсус тадбирлар мажмуи.

Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона – жойнинг ёки акваториянинг алоҳида участкалари, ҳаво бўшлиғи, транспорт воситалари, бинолар, иморатлар, иншоотлар, хоналар ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган доирада уларга туташ ҳудудлар.

Террорчилик фаолияти – террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият.

Тиббий огоҳлантириш – алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғида ҳамда тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштириладиган, алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот.

Трасология (фран. trace – из + юнон. logos – сўз, таълимот – излар ҳақидаги таълимот) – криминалистикнинг изларни ўрганувчи ҳамда уларни аниқлаш, қайд этиш, олиш ва текшириш усуллари, йўллари ва илмий-техникавий воситаларни ишлаб чиқувчи бўлими.

– У –

Умумдавлат солиқлари – Республика бюджетига келиб тушадиган ва Республика миқёсида сарфланувчи солиқлар. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасида умумдавлат солиқлари берилган бўлиб, қуйидагилар умумдавлат солиқлари ҳисобланади: 1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи; 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; 3) қўшилган қиймат солиғи; 4) акциз солиғи; 5) ер қаридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар; 6) сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқ. Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Ушлаб туриш – жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг озодлигини унинг ушбу жиноятга алоқадорлигини аниқлаш, қамокқа олиш тариқасида эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал этиш мақсадида қисқа муддатга чеклаш.

Уюшган гуруҳ – икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши.

Уюшган қуролли гуруҳ – биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун қуролга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг олдиндан бир гуруҳга бирлашиши. Уюшган қуролли гуруҳ тузиш,

шунингдек унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 242-моддасида жавобгарлик белгиланган.

– Ф –

Фармон – давлат бошлиғи (Президент) чиқарадиган энг муҳим ҳужжатнинг номи. Юқори мансабдор шахсларни лавозимга тайинлаш ва ундан озод қилиш, фавқулодда ва ҳарбий ҳолатни жорий қилиш, орден ва медаллар билан мукофотлаш, олий ҳарбий ва фахрий унвон бериш, умумнорматив тусдаги қарорларни расмийлаштириш фармон билан амалга оширилади. Умумий қоидага кўра, фармон шу давлат Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаслиги керак. Нославян давлатларда фармонга монанд ҳужжатлар кўпинча декрет (АҚШда – ижроия директивалари) деб юритилади.

Фуқаро мурожаати – давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар номига фуқаролар томонидан йўлланган яқка тартибдаги ёки жамоавий мурожаатларнинг ҳар хил турлари – *ариза, шикоят, таклиф, илтимосномаларнинг* умумлаштирилган номи. Фуқароларнинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида мустаҳкамланган.

Фуқаровий даъвогар – жиноят, шунингдек, ақли норасо шахснинг жамоат учун хавfli қилмиши натижасида мулкий зарар кўрган ҳамда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тегишли ҳуқуқий мақом билан эътироф этилган шахс, корхона, муассаса ёки ташкилот.

Фуқаровий жавобгар – айбланувчи томонидан ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра мулкий жавобгар шахс, корхона, муассаса ёки ташкилот.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасига кўра, Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги

бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади.

Фуқаролик – шахснинг аниқ бир давлатга сиёсий ва ҳуқуқий мансублиги. Аниқ бир давлат фуқаролигини қабул қилувчи шахс мазкур давлат қонунлари ва фармонларини бажариш мажбуриятини олади. Давлат эса, ўз навбатида, фуқароларга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришни, шунингдек, ўз фуқароларини хорижда ҳимоялашни кафолатлайди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июндаги «Фуқаролик тўғрисида»ги қонунига кўра, фуқароликни қабул қилиш тенг асосларга кўра қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: туғилишга кўра; фуқаролик берилишини сўраб ариза берилиши билан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномаларида кўзда тутилган бошқа усуллар билан.

Фуқаролик кодекси – фуқаролик қонунчилиги тизимида соҳавий кодификациялаштирилган норматив акт.

Фуқаролик процесси – қонун билан белгиланган тартибда фуқаролик ишларини кўриш, ҳал қилиш ва суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ фаолият.

Фуқаролик ҳуқуқи – юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар (жисмоний шахс, юридик шахс ва давлат) ўртасидаги мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга соладиган ҳамда мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

Фуқаронинг ҳуқуқий лаёқати – фуқаронинг фуқаровий ҳуқуққа эгалик қобилияти (ўз шахсий мулки ва турар жойига эга бўлиш, ундан фойдаланиш, мерос олиш ва васият қилиш, машғулот тури ва яшаш жойини танлаш, шунингдек бошқа мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эгалик). Ҳуқуқий лаёқат фуқаро туғилган дақиқадан юзага келади ва унинг вафоти билан барҳам топади. Бу унинг саломатлиги ҳолатига ва у мустақил равишда ўзи учун фуқаролик ҳуқуқи ҳамда масъулиятини олишга лаёқатли эканлигига, ўзи учун фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятини тўхтата олишига, содир этган фуқаровий ҳуқуқбузарлиги учун фуқаровий-ҳуқуқий масъулиятни ўз зиммасига ола билишига боғлиқ эмас.

Функционал аломатлар – анатомик элементларнинг одатий ҳолати ва уларнинг ҳаракатларини ифодаловчи белгилар. Уларга нисбий ҳолат, ҳаракатлар тавсифи, ҳаракат йўналиши, ҳаракат тезлиги (темпи), ҳаракат амплитудаси, ҳаракат тури каби белгилар киради.

Хаёлий тасвир – бирорта предмет, объект ёки ҳодисанинг одам онгида нисбатан барқарор вужудга келадиган тасвири.

Хабеас корпус (лот. Habeas corpus) – Англия процессуал ҳуқуқининг манфаатдор шахсларга ушланган ёки қамоққа олинган шахснинг озодликдан маҳрум этилиши асосларини текшириш учун уни судга олиб борилишини талаб қилиш ҳуқуқини берувчи институт. Хабеас корпуснинг номи озодликдан маҳрум этилган шахсни судга келтириш хусусида судья берган буйруқнинг бошланғич сўзларидан олинган: «Habeas corpus ad subjiciendum» («Сен судга шахсни келтиришининг шарт»). Мазкур институт XV асрда юзага келган ва 1679 йилда батомом шаклланди. Бугунги кунга келиб, Хабеас корпус институти эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини конституциявий кафолатловчи ишончли институт сифатида ер юзининг деярли ҳамма мамлакатларига ёйилди.

Халқ маслаҳатчиси – Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонунинг 62-моддасига мувофиқ, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

Халқаро дарёлар – икки ёки бир неча давлатлар ҳудудини кесиб ўтадиган ёки ажратиб турадиган дарёлар.

Халқаро ҳуқуқ – тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар тизими.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари – халқаро ҳуқуқ нормалари билан субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган, шунингдек, тегишли тартибга солинган халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг реал қатнашчилари бўлган тарафлар, шахслар.

Халқаро ҳуқуқнинг принциплари – куч ишлатмаслик; низоларни тинч йўл билан ҳал этиш; аралашмаслик; ҳамкорлик; халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши; суверен тенглик; халқаро ҳуқуққа оид мажбуриятларни виждонан бажариш; чегараларнинг бузилмаслиги; ҳудудий яхлитлик; инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш.

Халқаро шартнома – хилма-хил битимларни қамраб олувчи тушунча. Улар шартнома, битим, пакт, трактат, конвенция, декларация, коммюнике, протокол ва шу каби номлар билан аталиши мумкин. У ёки бу номнинг аниқ белгиланган маъно-мазмун мавжуд эмас.

Қандай номланишидан қатъи назар, барча халқаро шартномалар бир хил юридик кучга эга.

Хатшунослик предмети – ёзувнинг шаклланиш қонун-қоидаларини ўрганиш, шунингдек унинг экспертлик тадқиқотини ўтказиш, жиноий ва фуқаровий ишлар бўйича исботлаш аҳамиятига эга бўлган фактларни аниқлаш мақсадида ушбу қонун-қоидаларга асосланган хатшунослик экспертизаси масалаларини ечиш усул ва методикаларини ишлаб чиқиш.

Хатшунослик экспертизаси – имзо ёки қўлёзма матнининг бажарувчиси, қўлёзма муаллифини аниқлаш учун хатшунослик соҳасида махсус билимларга эга бўлган шахс томонидан суд ажрими ёки терговчи қарорига биноан ўтказиладиган тадқиқот.

Хизматчи – давлат органида, тижорат, нотижорат ташкилотда меҳнат шартномаси ёки фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

Ҳолис – суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ЖПКда назарда тутилган ҳолларда чақириладиган, ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, вояга етган фуқаро.

Хусусий айблов – шахсни айблаш ёки айбламаслик масаласини, ЖПКнинг 325-моддада белгиланган қоидаларга мос келса, жиноятдан жабр кўрган шахснинг ихтиёрига ҳавола этилиши.

- Ц -

Цензура – нашрлар, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларнинг мазмуни устидан назорат. Мансабдор шахслар, давлат органлари, ташкилотлари, муассасалари, жамоат бирлашмаларининг оммавий ахборот воситалари томонидан тайёрланган хабарлар ва маълумотларни ўзи билан олдиндан келишиш ҳақидаги талабида (мансабдор шахс муаллиф бўлган ёки интервью берган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек хабарлар ва материалларни, уларнинг алоҳида қисmlарини тарқатишни тақиқлашида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, Ўзбекистонда цензурага йўл қўйилмайди.

Чет эл фуқаролари – мазкур давлатнинг фуқароси бўлмаган ва бошқа давлатнинг фуқароси эканлиги тўғрисида тегишли далиллари бўлган шахслар. Чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати ўз давлатининг миллий қонунчилиги ва тузилган халқаро шартномалар ҳамда келишувлар билан белгиланади. Миллий қонунчилик чет эл фуқароларининг бир неча тоифаларини (давлатнинг ҳудудида доимий яшовчи, давлатда вақтинча бўлувчи, дипломатик дахлсизликка эга бўлган, қочоқ бўлган чет эл фуқаролари) ажратади, уларнинг ҳар бирининг ҳуқуқий ҳолати ўз хусусиятларига эгадир.

Чет эл валютаси – муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлар.

Чизилган портретлар – жинойтчиларни қидириш ёки одамнинг шахсини аниқлашда қўлланиладиган чизилган (штрихли, бир рангли, бадиий, силуэтли портретлар) суратлар. Портретларни шохид ёки гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида ҳам, одамнинг ҳаётлиги ёки ўлимдан кейинги тасвирларидан фойдаланиб ҳам чизиш мумкин.

Шартнома – у ёки бу масалалар бўйича бир битимга, келишувга, консенсусга, умумий фикрга эришиш. Шартнома турлича бўлиши мумкин. Шартнома тарзидаги битим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, у келишувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Шартли ҳукм қилиш – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра жазодан озод қилишнинг бир тури бўлиб, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор

қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шахсий суғурта – асосан, икки тармоқдан – ҳаёт суғуртаси ва бахтсиз ҳодисаларда қилинадиган суғурта. Суғурта муносабатлари суғурта турлари бўйича мужассамлаштирилади. Ҳаёт суғуртаси бўйича ҳаётни аралаш суғурта, болалар суғуртаси каби суғурта турлари мавжуд.

Шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи – кенг маънода, шахс ва фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шахсий ҳаёти ва бошқа ҳуқуқларига дахл этувчи бирор-бир ҳаракатни ўзбошимчалик билан содир этиш мумкин эмаслиги. Қонун ҳужжатларида мазкур тушунча кўпроқ тор маънода қўлланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Мазкур ҳаракатлар фақат қонунда белгиланган тартибга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Конституция қоидалари шунга йўналтирилганки, вақт ўтиши билан, зарур шарт-шароит яратилганидан кейин, шахс эркинлигини фақат суд қарорига биноан чеклаш мумкин бўлади.

Шахсни мажбурий даволанишга юбориш – «Сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёхуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ва жамият ахлоқига таҳдид солган тақдирда ички ишлар органлари мажбурий даволаш муассасасига жойлаштириш фаолияти.

Штатли патронлар – муайян бир тур, намуна ва русумдаги ўқотар қуроллардан отиш учун мўлжалланган, давлат ёки фирма томондан қуйилган стандарт талабларига риоя этилган ҳолда завод усулида тайёрланган ва айнан шу қуроллардан отиш учун махсус мўлжалланган, зарурий тузилишга эга ва баллистик талабларга жавоб берадиган патронлар.

Эвтаназия (юнон. euthanasia, eu – яхши, thanatos – ўлим сўзларидан; инг. euthanasia) – беморнинг илтимосига мувофиқ жисмоний таъсир кўрсатиш йўллари ва воситалари орқали унинг яқинлашиб келаётган муқаррар ўлим жараёнини тезлаштириш, жумладан ҳаётни таъминлаб турувчи ҳаёт воситаларини (сунъий қон алмаштирувчи, сунъий буйрак ва ҳ.к.) тўхтатиш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича эвтаназияни қўллашга рухсат этилмаган.

Экологик сиёсат – субъект (индивид, гуруҳ, партия, давлат ва бошқа)ларнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ташкилий-ҳуқуқий тусдаги чора-тадбирлари мажмуи.

Экологик таҳдид – инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири билан боғлиқ ҳолда табиатнинг инсонга акс таъсири, яъни унинг иқтисодиётига, ҳаётида хўжалик аҳамиятига молик бўлган жараёнлар, табиий ҳодисалар билан боғлиқ (стихияли талафотлар, иқлимнинг ўзгариши, ҳайвонларнинг ялпи кўчиб кетиши ва бошқалар) ҳар қандай ҳодиса.

Экологик хавфсизлик – атроф табиий муҳит ҳолатини организмларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларига жавоб бера олиши ёки инсонлар учун соғлом, тоза ва қулай табиий шароитга эга атроф-муҳит ҳолати. Экологик хавфсизликка атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирни камайтиришга йўналтирилган тадбирлар мажмуини амалга ошириш орқали эришилади.

Экология – (юнон. oikos – уй, яшаш жойи, яшаш муҳити, logos – таълимот) тирик организмларнинг ўзаро ва уларнинг яшаш муҳити билан бўладиган муносабати ҳақидаги фан. Экология ноэволюцион тарзда ривожланувчи табиат тизимидаги тирик организмлар ва уларнинг атроф-муҳит билан бўладиган муносабатларига доир қонуниятларни тадқиқ қилади.

Эксперимент – объектлар, ҳодисалар, жараёнлар, совуқ қуролларнинг криминалистик тадқиқотлари мақсад ва талабларига жавоб берадиган шароитларда ёки сунъий ҳолатларда ўтказиладиган тажрибалар. Масалан, совуқ қуролларнинг мустаҳкамлик даражасини аниқлаш учун ўтказиладиган тажриба.

Эксперт – хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс.

Эксперт жавоб бериши учун берилган савол – экспертиза тайинлаш ҳақида қарорда кўрсатилган ва махсус билимлар ёрдамида тажрибалар орқали жавоб бериладиган, бирорта ҳодиса бўйича берилган савол.

Эксперт хулосаси – процессуал қонунчиликда белгиланган экспертиза ўтказиш асослари ва шароитлари, экспертиза объектлари ва саволлари, тадқиқотлар жараёнлари ҳамда аниқланган фактларни қамраб олувчи ва тадқиқотларни ўтказган эксперт томонидан имзолаб тасдиқланадиган ёзма ҳужжат.

Эксцесс бажарувчи – жиноятни бажарувчи шахснинг бошқа иштирокчилар билан келишилмаган ҳамда уларнинг ниятларини қамраб олмаган, олдиндан келишилган ва жиноят доирасидан чиқиб кетган хатти-ҳаракатлар. Бунда иштирокчиларнинг жиноий ниятлари билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгарликка тортилади.

Электрон ҳукумат — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими.

Эмансипация – 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, унинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши. Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади. Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнынг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Эҳтиёт чоралари – айбланувчига ёки судланувчига мажбурий таъсир кўрсатиш чоралари. ЖПКнинг 236-моддасига биноан, эҳтиёт чоралари олдида дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлаш, келгусида содир этилиши эҳтимол бўлган жиноий фаолиятнинг олдини

олиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларга йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадлари қўйилади. Эҳтиёт чоралари турларига муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, қамоққа олиш ёки уй қамоғи, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви ва ҳоказолар киради.

– Ю –

Юридик акт – муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи, юридик ҳолатни яратувчи ва ижтимоий муносабатларни бошқаришга қаратилган расмий ёзма ҳужжат. Юридик акт норматив актларга, яъни ҳуқуқ нормаларига эга бўлган, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи юридик актларга ҳамда ўзлари қаратилган субъектлардагина ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳосил қилувчи индивидуал (нонорматив) актларга бўлинади.

Юридик жавобгарлик – ҳуқуқбузарлик субъектининг ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ноқулай оқибатларга бардош бериш мажбурияти; ижтимоий жавобгарликнинг тури. Юридик жавобгарлик принципларига қуйидагилар киради: 1) фикр учун эмас, балки фақат ғайриқонуний ҳаракат учун жавобгарлик; 2) ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида айб бўлган тақдирдагина жавобгар бўлиши; 3) қонунийлик; 4) адолатлик; 5) мақсадга мувофиқлик; 6) жазонинг муқаррарлиги. Бундай жавобгарликни белгиловчи юридик нормаларнинг қайси тармоққа тегишлилигига қараб, *жиноий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, фуқаровий жавобгарлик ва интизомий жавобгарлик фарқланади.*

Юридик ихтилоф (коллизия) – айна бир ёки ўхшаш ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги номутаносиблик ёки қарама-қаршилик, шунингдек ҳуқуқни қўллаш билан мутасадди давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида келиб чиқувчи қарама-қаршиликлар.

Юридик куч – (норматив ҳуқуқий актнинг юридик кучи) – норматив ҳуқуқий актнинг мажбурийлиги, унинг бошқа актлардан устунлиги ёки уларга бўйсунлиши. Бунда юридик кучи кам бўлган актлар, агар улар юқори турувчи органлар актлари ва ушбу актни чиқарган орган ваколатига мувофиқ равишда чиқарилган бўлса, юридик кучи юқори бўлган актлар (қонунлар) каби бажарилиши шарт.

Юридик маслаҳат – адвокатлар ҳайъатлари раёсатлари шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида адвокатларнинг юридик ёрдам кўрсатишини ташкил этиш мақсадида тузадиган адвокатлар жамоаси. Юридик маслаҳатнинг жойлашиш ўрни ва унда ишлайдиган адвокатлар сонини адвокатлар ҳайъатининг раёсати тегишли адлия идораси билан келишган ҳолда белгилайди. Юридик маслаҳат банкда жорий ҳисобрақамига, ўз номи ва тегишли адвокатлар ҳайъатига, кириши кўрсатилган муҳр ва штампига эга бўлади. Юридик маслаҳатга адвокатлар ҳайъати раёсати ҳайъат аъзолари ичидан тайинлайдиган мудир раҳбарлик қилади.

Юридик фактлар – қонунда назарда тутилган ва муайян ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши (ўзгартирилиши, тўхтатилиши) учун асос бўладиган ҳолатлар. Улар икки гуруҳга бўлинади: ҳодисалар ва хатти-ҳаракатлар. Ҳодисалар – одамлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келадиган юридик аҳамиятга эга фактлар (инсоннинг табиий ўлими, муддатнинг ўтиши, мулкнинг табиий фалокат натижасида нобуд бўлиши ва ҳ.к.). Хатти-ҳаракат – одамларнинг хоҳиш-истак билдириши (яъни онгли фаолиятининг натижаси) бўлган ҳаётий фактлар.

Юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунларига биноан, мулк сифатида, хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувида алоҳида мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мулки билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни ола биладиган ва амалга ошира оладиган, мажбуриятларга эга бўла оладиган, даъвогар ва жавобгар сифатида судда қатнаша оладиган ташкилот.

Юрисдикция (лот. jurisdiction – судлов, jus – ҳуқуқ, dico – гапириш, сўзлаш) – тегишли давлат органларининг ҳуқуқӣ келишмовчиликларни ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳал этиш, яъни шахс ёки бошқа ҳуқуқ субъекти ҳаракатларини уларнинг қонунийлиги нуқтаи назаридан баҳолаш, ҳуқуқбузарларга нисбатан юридик санкциялар қўллаш ваколатларининг қонунда белгиланган мажмуаси. Юрисдикция ҳал этиладиган ишларнинг тури ва хусусиятига (жиноятлар ва қилмишлар, мулкӣ келишмовчиликлар ва ҳ.к.), уларнинг ҳудудий тегишлилигига, ишда қатнашувчи шахсларга қараб белгиланади. Юрисдикция деганда, мазкур ваколатлар тааллуқӣ бўлган муносабатлар соҳаси ҳам тушунилади.

Юрисконсулт – (лот. juris-consultus – ҳуқуқшунос) ташкилотнинг ҳуқуқӣ хизмати ходими, лавозим. Юрисконсултга маъмурият

(ўз ваколати доирасида) чиқарадиган буйруқлар ва фармойишларнинг қонунийлигини назорат қилиш, бошқа корхоналар ва муассасалар билан тузиладиган шартномалар ва битимларни тузишда иштирок этиш; ишчи ва хизматчиларга амалдаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумот бериш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; корхона даъвогар ёки жавобгар сифатида қатнашадиган судлар ва хўжалик судларида ишни юритиш вазифаси юклатилади.

Юриспруденция – (лот. *jūris prūdentia* – ҳуқуқшунослик, лот. *jūris* – ҳуқуқ ва лот. *prūdentia* – билим) юридик фанлар ва юридик амалиётнинг, шунингдек, юридик предметлар ва асосий тушунчаларнинг ягона тизими.

– Я –

Яширин овоз бериш – депутатларни ва сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсларни фуқаролар томонидан сайлашда ҳамда коллегиял органлар томонидан, шу жумладан давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органлари томонидан қарорлар қабул қилишда овоз бериш усули.

Яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари.

– Ҷ –

Ўзбошимчалик (жиноят) – ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш. Ушбу қилмиш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229-моддаси).

Ўзгартирилган қўлбола қуроллар – ўқотар қуроллардан (ов милтиқлари, спорт винтовкалари ва шу кабиларнинг қирқмалари); ўқотар қурол ҳисобланмаган, аммо ишлаш принципи ўқотар қуролнинг энергетик принципига асосланган қурилма ва мосламалардан (газ ва сигнал тўппонча ва револьверлар, қурилиш-монтаж тўппончалари ва шу кабилар); ўқотар қурол ҳисобланмаган, аммо таркибий тузилишидаги қисм ва механизмлари ўқотар қурол билан ўхшаш бўлган буюм ва қурилмалардан (пневматик қурол, сувости ови учун милтиқ ва шу кабилар) тайёрланган қурол.

Ўқотар қурол – белгиланган йўналишдаги нишонни портловчи моддаларнинг (масалан, порохнинг) кимёвий парчаланишидан ҳосил бўладиган энергия ёрдамида отиладиган ва етарлича зарар етказувчи кучга эга бўлган снаряд (ўқ, сочма ўқ, картеч (питра)) билан жароҳатлашга мўлжалланган кўп марта ишлатилувчи механик қурилма. Шунингдек, ўқотар қурол – ҳужум қилиш ва фаол ҳимояланиш учун мўлжалланган, нишонни портловчи модда (порох)нинг ёнишидан ҳосил бўлувчи газларнинг энергияси ёрдамида ствол каналидан отилиб чикувчи снаряд билан жароҳатловчи, етарли зарар етказувчи кучга эга бўлган ва тузилишига кўра биттадан ортиқ ўқ отишга яроқли қурилма ёки мослама.

Ўринбосар (ноштат) патронлар – ўқотар қуролнинг калибри, намунаси ва русумига мос келмайдиган патронлар. Ўринбосар патронлар, тайёрланиш усулидан қатъи назар, уларга нисбатан ўқотар қуролларни мослаштирмасдан, мослаштириб ёки вақтинчалик мослаштириб (ёки вақтинчалик қўшимча мосламалардан фойдаланиб) қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, завод усулида тайёрланган патронлар ўқотар қуроллардан отиш учун мослаштирилиши ёки қуролни ва патронни мослаштириш мумкин.

- Қ -

Қонун аналогияси – ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган муносабатларга нисбатан шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун нормасини қўллаш. Ҳуқуқни қўллаш жараёнида қонун ўхшашлигидан фойдаланиб тегишли муносабатларни ҳуқуқий квалификация қилишда шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солиб турувчи нормани, энг аввало, кўриб чиқиладиган муносабат қайси ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлса, ўшандан қидириш лозим. Қонун аналогияси ва ҳуқуқ аналогияси жиной-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий жазо қўллашда ишлатилмайди.

Қонуний вакил – вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомилага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинган ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомилага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари.

Қонунийлик – ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун ҳукмронлигидан, ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари томонидан

қонун талабларини қатъий бажариш, ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларига оғишмай риоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий тартибот ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режим.

Қўлёзма – ёзув жараёнининг натижаси. Қўлёзмада фикрдан ташқари, ёзма нутқ ҳамда ёзув акс этади.

Қўпоровчилик (жиноят) – Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 161-моддаси).

– Ғ –

Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар – шахснинг мунтазам равишда спиртли ичимлик, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлар.

Ғаразгўйлик нияти – содир этилган жиноятдан моддий ёки бошқача мулкӣ йўсинда фойда олиш ёхуд моддий харажатлардан қутилишга интилишда ифодаланадиган ният.

– Ҳ –

Ҳайдовчи – йўлларда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс. Бошқаришни ўргатувчи, от аравани бошқараётган, ҳайвонларни миниб ҳаракатланаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва моллари (пода)ни ҳайдаб бораётган шахслар ҳайдовчига тенглаштирилади.

Ҳарбий жиноятлар – ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қаратилган ижтимоий хавфли қилмишлар.

Ҳарбий сир – ошқор қилиниши Ўзбекистон Республикаси мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги ва Қуролли Кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий йўсиндаги маълумотлар.

Ҳимоя – кимсанинг ҳомийлигида бўлиш, хавф-хатар, хужум кабилардан қўриқлаш.

Ҳимоячи – гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс.

Ҳокимият вакили – давлатнинг бирор-бир ҳокимият органи номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги – давлат органи мансабдор шахсининг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиши, худди шунингдек бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилиши (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 208-моддаси).

Ҳомийлик – ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли. Соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин.

Ҳужжат – (лот. documntum – исбот, гувоҳлик) ҳуқуқни тасдиқловчи, қандайдир ҳолатга гувоҳлик берувчи иш қоғози. Ҳужжат аниқ мазмуни мавжуд бўлган ахборотни сақлаш ва етказиш учун вужудга келади, зарур реквизитлар: штамп, имзо, муҳр, сана, тартиб рақами ҳужжатнинг элементларидан ҳисобланади.

Ҳужжат, кенг маънода, объектив воқелик фактлари, ҳодисалари, воқеалари ҳамда инсоннинг онгли фаолияти ҳақидаги ахборотни қайд этиш воситаси. Бошқача қилиб айтганда, замон ва маконда бериш (узатиш, юбориш, тақдим этиш) мақсадида инсон томонидан яратилган усул билан қайд этилган ахборотли моддий объектлар. Тор маънода, турли корхона, ташкилот ва муассасалардан ҳамда алоҳида фуқаролардан келиб тушган, ҳуқуқӣ аҳамиятга эга бўлган, муайян

ходиса ва жараёнларни тасдиқловчи, аниқ ёзув белгиларидан фойдаланиб белгиланган тартибда тайёрланган ҳамда тегишли реквизитларга эга бўлган ёзма актдир.

Ҳукм – суд мажлисида судланувчининг айбдор ёки айбсизлиги ва унга нисбатан жазо қўллаш ёки қўлламаслик ҳақидаги масала хусусида чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарор.

Ҳуқуқ – давлат томонидан ўрнатиладиган ва кўриқланадиган, халқнинг иродасини, мамлакат аҳолисининг манфаатларини ифодаловчи ва ижтимоий муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида амал қилувчи умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари тизими.

Ҳуқуқ аналогияси – амалдаги қонунчилик нормалари билан тартибга солинмаган муносабатларга нисбатан ҳуқуқнинг умумий асослари, тамойиллари ва мазмунини қўллаш.

Ҳуқуқ ижодкорлиги – ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларининг (референдумда – бутун халқнинг) ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва бекор қилишга йўналтирилган махсус фаолияти.

Ҳуқуқ лаёқати – барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати.

Ҳуқуқбузарлик – ҳуқуқ субъектининг айбли, ҳуқуққа зид, жамият, давлат ва шахс манфаатларига зарар келтирувчи, юридик жавобгарликни келтириб чиқарувчи қилмиши.

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс – ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи – жисмоний, маънавий ёки мулкӣ зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқӣ, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими.

Ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 44-мод-

дасига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси – «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш – «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ва муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақида иш, ўқиш жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиш фаолияти.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси – «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти.

Ҳуқуқдаги бўшлиқ – амалдаги ҳуқуқнинг мазмуни ва у томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар хусусиятига кўра муайян ҳаётий ҳолатни тартибга солиш учун зарур бўлган аниқ норманинг йўқлиги. Ҳуқуқдаги бўшлиқ фақат ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатига эга бўлган орган томонидан бартараф этилиши мумкин.

Ҳуқуқий идеализм – ҳуқуқ имкониятларини ўринсиз ва асоссиз ошириб юбориш, унинг зиммасига бажаришга қодир бўлмаган вазифаларни юклаш.

Ҳуқуқий маданият – жамиятнинг қонунчилик даражаси, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси, халқнинг ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиши.

Ҳуқуқий мафкура – ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, ғоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизими.

Ҳуқуқий муносабат – ўзаро субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар билан боғлиқ шахслар (яъни, фуқаролар ва юридик шахслар) ўртасидаги ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги алоқа.

Ҳуқуқий нигилизм (лот. nihil – ҳеч нима, ҳеч нарса) – ҳар қандай норма, принцип ва қонунларни рад этиш. Ҳуқуқий нигилизм субъектнинг муайян қадриятлар, нормалар, қарашлар, идеаллар, инсон турмушининг айрим томонларига, баъзида эса ҳамма томонларига нисбатан салбий муносабатини ифода этади. *Ҳуқуқий нигилизм* ҳуқуқий онгнинг салбий тарафи, бузилган шаклидир. Ҳуқуқий онгнинг ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва унга риоя этиш талабларига нисбатан кескин танқидий, инкор этиш муносабатида бўлган мафкуравий ва психологик қисми.

Ҳуқуқий онг – кишиларнинг ҳуқуқ ҳақида тушунча ва билимларга эга бўлиши, шунингдек ҳуқуқ борасидаги тасаввурларнинг инсон онгида акс этиши.

Ҳуқуқий хулқ-атвор – ҳуқуқ субъектларининг қонунга мос ижтимоий-фойдали ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги. Бундай хулқ-атвор жамият ва давлат томонидан ижобий баҳоланади. Ҳуқуқий хулқ-атвор жамоалар ва якка шахсларнинг, умуман давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларининг ҳуқуқ нормалари асосидаги фаолияти бўлиб, бунда ҳуқуқий тақиқларга риоя этилади, юридик мажбуриятлар бажарилади, субъектив ҳуқуқлардан фойдаланилади, шунингдек ваколатли субъектлар томонидан ҳуқуқ ўрнатилади ва у амалга оширилади.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА УЧРАЙДИГАН ЮРИДИК
АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Муҳаррир Б. А. Яров
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 04.01.2016. Нашр-ҳисоб табағи 6,0.
Адади 10 нусха. Буюртма № . Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
1000197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68